


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 26 январь, № 18 (7248) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ХАЙРЛИ ТАШАББУСНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

*Одамларни рози қилиш, уларнинг турмуш тарзини яхшилаш борасидаги ишлар юртимизнинг энг чекка ҳудудларини ҳам қамраб олмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки йиллар давомида қишлоқ ва маҳаллаларда аҳолини қийнаб келаётган муаммолар, ўз ечимини кутиб турган кўплаб масалалар бор эдики, уларни ҳал этиш долзарблигича қолаётганди. Шундай шароитда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари ишлаб чиқилгани айни муддао бўлди.*





Айнан мазкур дастурлар туфайли қанчадан-қанча оилалар уйли, одамлар ишли бўлди. Ҳаёт тарзи ўзгарди. Таъмирталаб йўллар яхшиланди. Замонавий ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилиб, қишлоқ ва маҳаллалар инфратузилмаси янгиланди. Бунинг учун ўтган йили "Обод қишлоқ" дастури доирасида республикамизнинг 159 та туманидаги 416 та қишлоқда 324 мингдан ортиқ хонадонлар қамраб олиниб, қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш тадбирлари бажарилди. "Обод маҳалла" дастури доирасида эса 41 шаҳар ва тумандаги 105 та маҳалла фуқаролар йиғинининг 486 минг аҳолиси, яъни 148 мингдан зиёд хонадонларга дахлдор вазифалар ижро этилди. Сарфланган маблағ эса 690 миллион сўмни ташкил қилди. Мана шу рақамлардан ҳам дастурларнинг қамрови нечоғли кенг эканлигини англаш қийин эмас.

Кеча пойтахтимизда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари: дастлабки ютуқлар ва истиқболли мақсадлар" мавзуида ўтказилган халқаро конференцияда ана шулар хусусида сўз юритилди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, "Yuksalish" умуммиллий ҳаракати, "Тараққиёт стратегияси" маркази ҳамда Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, БМТ Тараққиёт дастури, Швейцария Конфедерацияси каби қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.



Айтиш жоизки, мамлакатимизни янада обод қилиш, аҳоли ҳаётини яхшилаш борасидаги ушбу саъй-ҳаракатларга қизиқиш жуда юқори. Буни халқаро конференцияда 250 дан зиёд соҳа мутахассислари — маҳаллий ҳокимият, мутасадди вазирлик ва идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари ҳамда экспертлар қатнашгани ҳам тасдиқлайди.

➡ 2

### Эътироф



## Германия жамоатчилиги: «ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ УЧРАШУВИМИЗ ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЖУДА КАТТА ИШОНЧ УЙҒОТДИ»

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германия Федератив Республикасига расмий ташрифи сиёсий доиралар, нуфузли халқаро экспертлар, етакчи оммавий ахборот воситалари томонидан икки томонлама муносабатларда улкан тарихий воқеа сифатида баҳоланди.*

*Ташриф доирасида Германия пойтахти Берлин шаҳрида мазкур давлат раҳбарияти ва етук сиёсатчилари билан музокаралар ўтказилди. Мюнхен шаҳрида маҳаллий маъмурият мутасаддилари, шунингдек, Германиянинг етакчи ишбилармон ва молиявий доиралари вакиллари билан учрашувлар ташкил этилди. Якунда иқтисодиёт, молия, инвестиция, инновация, илм-фан, техника, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорликка оид икки томонлама қатор ҳужжатлар имзоланди.*

*Мазкур ташрифнинг аҳамияти ҳақида германиялик сиёсатчилар, ишбилармонлар, экспертлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.*

6-саҳифага қаранг. ➡

## ИККИ МАМЛАКАТ ЁШЛАРИНИ ҲАМКОРЛИККА УНДАГАН ЛОЙИҲА

*Ўтган йили Хитойнинг Циндао шаҳрида ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида Президентимиз ташаббуси билан ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга мурожаати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури қабул қилинганди.*

*Бугунги кунда ушбу Дастур ижросини таъминлашда мамлакатимиз фаол иштирок этмоқда. Юртимизда ёшлар масаласига бағишлаб ўтказилаётган турли халқаро конференциялар, форумлар, ШҲТга аъзо мамлакатлар ўғил-қизларининг дўстона учрашувлари бу борада муҳим аҳамият касб этяпти.*

### Форум

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан амалга оширилаётган қатор лойиҳалар келажагимиз ворисларининг билим ва дунёқарашини бойитиб, жаҳондаги тенгдошлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишларига қулай шароит яратмоқда, уларни замонавий асосда таълим олишга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ундамоқда.

Жумладан, мамлакатимизда 23 январь куни старт олган "Ёш сардор X" лойиҳаси Умумхитой ёшлар федерацияси билан йўлга қўйилган яқин ҳамкорлик мевасидир.

➡ 2

### Депутат фикри

## «ЯШИРИН» ИҚТИСОДИЁТНИ ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТСА БЎЛАДИ?

*Очиғини айтиш керак, ҳали ҳеч бир мамлакат "яширин" иқтисодиётни буткул йўқ қилишга эришмаган. Бироқ кўплаб тараққий этган давлатларда унинг улуши ва таъсирини минимал даражада камайтиришга эришилган. Асосийси, бу натижа оддий аҳолининг турмуш тарзи юқори бўлишига замин яратган.*

Юртимизда мазкур нобоп тизимнинг иқтисодиётимиз ўсишига салбий таъсир кўрсатаётгани ачинарли ҳол. Шу боис ушбу масалада ривожланган давлатларнинг босиб ўтган йўли чуқур таҳлил қилиниб, ўзимизга мос бўлган йўналишларга таянган ҳолда уни батамом йўқ қилиш борасида босқичма-босқич чоралар кўришимиз лозим.

"Яширин" иқтисодиётда валюта қора бозорининг ўрни жуда катта. Мамлакатимизда ҳам энг йирик нақд пул айланмалари хорижий валюта бўлмиш АҚШ долларида амалга оширилади (ноқонуний йирик битимлар, уй-жой, автомобиль ва бошқа кўплаб товарлар олди-сотдиси).

Банкдан ташқари айланаётган бундай хорижий валютанинг бевосита миллий валютамизга нисбатан етказаётган зарари охир-оқибат сўмимизнинг қадрсизланишига билвосита таъсир кўрсатмоқда. Аксарият маҳсулотларнинг четдан нақд пулга келтирилиши ёки хуфиёна битимлар туфайли маҳсулотларнинг мамлакатимизга олиб кириб сотилиши кўп жиҳатдан солиқдан яширин ҳолда фойда кўриб ишлаётган "тадбиркорлар" ва уларни қўллаб-қувватлаб турган бошқа шахсларга қўл келмоқда. Энг ёмони, бу ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, ҳалол ишлаётган ёки ишлаб чиқараётган маҳсулотларини қонуний реализация этаётган, рақобатдош маҳсулотларни кўпайтираётган шахсларга жиддий зиён етказади.

Дейлик, тўқимачилик фабрикасида тайёр ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи хуфиёна ишлаб чиқарилганига нисбатан, албатта, юқори бўлади. Сабаби фабрика ходимларга иш ҳақи тўлаши, ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар амортизацияси ва шунга ўхшаш харажатларни қоплаши зарур. Бу каби чиқимлар, шубҳасиз, маҳсулотнинг таннархида ўз ифодасини топади.

Яширин цехда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархида эса бундай харажатлар йўқлиги сабабли бозорда баҳоси арзон, савдоси чаққон бўлади.

➡ 2

## МАСАЛАЛАР ЧУҚУР ЎРГАНИЛИБ, САМАРАЛИ ЕЧИМ ТОПИЛАДИ

*Ўзбекистонда ер ости бойликлари, экин майдонлари, сув захиралари каби асосий ресурсларнинг салмоқли қисми давлат томонидан қайта тақсимланади. Бунда саноатнинг етакчи соҳаларида давлат монополияси ва жуда катта улуши сақланиб қолинмоқда. Бу эса айрим ҳолларда ўзаро рақобатнинг чекланишига олиб келяпти.*

### Сенатор минбари

Хўш, миллий саноат ривожини рағбатлантириш, мамлакатга инвестициялар оқимини кучайтириш, хуфиёна иқтисодиётни бартараф этиш, аҳоли фаровонлигини ошириш учун нима қилиш керак? Аввало, иқтисодий сиёсат самарадорлигини белгиловчи ушбу омилларни рўёбга чиқаришда соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ривожлантириш талаб этилади. Президентимизнинг жорий йил 8 январдаги "Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам айни мақсадга қаратилгани билан аҳамиятли.

Ҳужжатда бу борада қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар белгиланган. Улар бугуннинг талаби эмас, эртанинг кафолатларини ҳам назарда тутади. Сабаби эркин ва самарали бозор иқтисодиёти уч асосий тамойил — талаб, таклиф ва рақобатга асосланади. Мана шу уч омил ўз ўрнида бўлсагина, соҳа изчил ривожланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Фармонда назарда тутилаётган чора-тадбирлар, аввало, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини босқичма-босқич камайтириш ва рақобатни ривожлантириш, нархларни назорат қилиш, табиий бойликлар, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш каби соҳаларни изчил давлат бошқарувидан чиқаришга қаратилган.

Бироқ айрим етакчи соҳаларда давлат улушини кескин камайтириш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу боис бу йўналишда тадрижий усул қўлланилиб, бошланғич даврда мазкур масалани давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш орқали ҳал қилиш кўзда тутиляпти.

Фармон билан Жаҳон банки ва бошқа халқаро молиявий институтлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида таркибий ислоҳотлар асосий йўналишларининг "Йўл харитаси" тасдиқланди. Унда асосий ресурсларни тақсимлашда бозор тамойилларини кенг жорий этиш асосида республиканинг рақобатдош бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларини тезлаштириш ҳам белгиланган.

➡ 2

## АҲОЛИ МУАММОЛАРИ БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

Халқ билан мулоқот

**Президентимиз томонидан шу йил 17 январда имзоланган "Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга мувофиқ, 2019 йил 1 февралдан бошлаб:**

- ☑ *Халқ қабулхоналарининг муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишини, давлат органларининг аҳоли билан бевосита ишлашини назарда тутувчи янги тизим жорий қилинмоқда.*
- ☑ *Энди Халқ қабулхоналари маълум муаммо юзасидан мурожаат келиб тушишини кутиб ўтирмайди.*
- ☑ *Ишчи гуруҳлар ҳудудларни маҳалла ва хонадонлар, оилалар кесимида таҳлил қилиб, аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан қисқа (1 йиллик) ва ўрта муддатли манзилли тадбирлар режаларини шакллантиради.*
- ☑ *"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган аҳоли пунктлари рўйхати Халқ қабулхоналари билан келишилган ҳолда шакллантирилади.*
- ☑ *Секторлар ва ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари фаолияти, мурожаатлар билан ишлаш ҳолати халқ депутатлари Кенгашлари мажлисида муҳокама қилинади.*
- ☑ *Ҳар чоракда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳисоботи эшитилади.*
- ☑ *Бундан буён ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига кўмаклашиш йўналишидаги ишлар Халқ қабулхоналари томонидан мувофиқлаштирилади.*
- ☑ *Халқ қабулхоналари секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг уйма-уй юриш, мурожаатлар билан ишлаш, ижтимоий ва бошқа объектларда аниқланган муаммоларни ҳал қилиш борасидаги фаолиятини тизимли ўрганиш, кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, шунингдек, секторлар фаолиятини баҳолашда иштирок этади.*

# ХАЙРЛИ ТАШАББУСНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ









1 ➡

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари У. Муҳаммадиев ва бошқалар таъкидлаганидек, мазкур дастурлар халқимиз ҳаёти ва ҳудудлар ободлигини таъминлашда янги босқични бошлаб берди. Зеро, бу борада амалга оширилаётган ишлар ниҳоятда кўламдор. Бундан кўпчилик миннатдор.

Ушбу йўналишдаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилиб, 470 дан ортиқ қишлоқлар обод қилинади. Бу 1,6 миллион кишининг турмуши янада яхшиланади, деганидир. Қолаверса, 41 шаҳар ва тумандаги 116 та маҳаллада ҳам худди шундай ишлар бажарилиши режалаштирилган.

Халқаро анжуманда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг умумий мақсади, ижроси хусусида маълумот берилиши баробарида, келгуси режалар ҳақида ҳам жамоатчилик хабардор қилинди. Шунингдек, у ечимини кутаётган вазифаларни муҳокама этиш ҳамда қишлоқ жойлардаги аҳоли турмуш шароитини яхшилаш бўйича халқаро тажриба ва молиявий институтларни жалб қилиш учун ҳам муҳим мулоқот майдони бўлди.

Бундан ташқари, тадбир давомида мазкур йўналишда татбиқ этилаётган инновацион ёндашувлар, лойиҳаларни рўёбга чиқаришда маҳаллий ҳокимият, турли ҳамжамият ва халқаро ташкилотларнинг роли ҳақида ҳам фикр алмашилди. Жараёнга хорижий тажрибани кенг қўллаш, халқаро ташкилот вакиллари билан қўшма лойиҳаларни атрофлича муҳокама қилиш, шунингдек, ҳукумат идоралари, бизнес доира вакиллари ва аҳоли ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари юзасидан таклифлар ўрганилди.

## *Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига*

**Али Ихсан ЧАҒЛАР,**
**Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (TIKA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:**



— Юртингизда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Масалан, биргина “Обод қишлоқ” дастурини олсак, ундаги барча вазифалар қишлоқ одамлари ҳаётини шаҳар даражасига етказишдек эзгу мақсадларга қаратилган. Шу боис ушбу дастурни ўзбек халқининг жаҳонга кўрсатаётган ўзига хос амалиёти, десак, асло хато эмас. Чунки кўп давлатларда ривожланишни “шаҳардан-қишлоққа” тарзида қўлланилишини кўрамиз. Ўзбекистон эса тараққиётни айнан қишлоқлардан мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Қолаверса, бу бугун Ўзбекистон барча соҳада ривожланиш йўлининг янги босқичига ўтаётганига яна бир карра мисол бўла олади.

Биз ҳам ушбу жараёнда иштирок этиш мақсадида Мирзачўл туманида ўзига хос кластерни ташкил қилмоқчимиз. Гап шундаки, ўрганишларимиз натижасида мазкур ҳудудда бир кунда 120 тонна сут етиштирилиб, шундан 30 тоннаси болалар боғчаси ёки бошқа муассасаларга тарқатилар экан. Қолганини эса қайта ишлаш зарур. Шу боис сутни қайта ишлаш корхонаси фаолиятини йўлга қўйиш ниятидамиз.

**Акмал БУРҲОНОВ,**
**“Yuksalish” умуммиллий ҳаракати раиси:**



— Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ушбу дастурлар доирасидаги ишларни юртимиз аҳли, шунингдек, халқаро ҳамжамиятга тақдим қилишдир. Бундан ташқари, ишларни янада жадаллаштириш бўйича олдимизда турган вазифалар, масалалар, муаммолар муҳокама этилди.

Халқаро конференцияда нафақат вазирлик ва идоралар ёки нодавлат нотижорат, халқаро ташкилотлар, балки ҳокимликлардан ҳам вакиллар таклиф этилгани унинг янада самарали кечишини таъминлади, албатта. Чунки муҳокамалар жараёнида таъкидланганидек, ушбу ишларни амалга оширишда барча бирдек ҳаракат қилиши лозим. Қолаверса, улар ҳудудлардаги ҳолатни яхшироқ билишади. Демак, жойлардаги муаммони ўртага ташлаш имконияти ошади.

Тадбир асносида халқаро молиявий ташкилотлар бу борадаги ишларни бажаришда ёрдам беришга тайёр эканликларини билдиришди.

**Синди МАЛВИЧИНИ,**
**Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:**



— Ҳар иккала дастурда аҳоли учун энг зарур бўлган саломатлик, таълим, ичимлик суви, электр энергияси билан таъминлаш каби лойиҳалар рўёбга чиқарилаётгани диққатга сазовор. Чунки булар қишлоқ аҳли турмушини яхшилашда айни муддаодир.

Биз электр таъминоти самарадорлигини таъминлаш, йўқотишларни камайтириш, истеъмолчиларга ўлчов воситаларини етказиш каби лойиҳаларда иштирок этмоқчимиз. Хусусан, бу борада Тошкент вилоятида иш олиб боряпмиз. Шунингдек, келгусида маҳаллий банклар фаолиятини қўллаб-қувватлаган ҳолда, кичик бизнесни молиялаштиришга ҳам эътибор қаратамиз.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ШАФФОФЛИК, ҲАЛОЛЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

*Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йилда Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларига оид маълумотлар билан танишар экан, уларни амалга оширишни мониторинг ва назорат қилиш юзасидан Тошкент шаҳар прокуратураси олдига муҳим вазифалар қўйди.*

Эндиликда шаҳар прокуратураси инвесторларга ер ажратилишидан бошлаб, лойиҳа фойдаланишга топширилгунча бўлган барча босқичларни назоратга олади, яъни лойиҳаларни расмийлаштириш ва амалга ошириш жараёнида шаффофликни, ҳалолликни таъминлайди, коррупцияга йўл қўймайди.

Инвесторларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришнинг янги тизими ҳақида **Тошкент шаҳар прокурори Шерзод ОБЛОҚУЛОВ** ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Президентимизнинг пойтахтимизга ташрифлари чоғида берган топшириқлари, 2019-2020 йилларда Тошкент шаҳрини комплекс ривожлантириш дастури доирасида 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини татбиқ этиш кўзда тутилган. Уларнинг тўлиқ ишга туширилиши 37 мингга яқин иш ўрни яратиш имконини беради.

Бизнинг вазифамиз эса, бу лойиҳаларни амалга ошириш истагида бўлган тадбиркорларнинг, хусусан, чет эллик инвесторларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шаффофликни таъминлаш, ортиқча қоғозбозлик, коррупциянинг олдини олиш. Қисқача айтганда, инвестор билан бирга нафас олиб, уларнинг муаммоларини ўз вақтида тезкор ҳал қилишга кўмаклашишдир.

Шу мақсадда пойтахтимизда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича ишларни ташкиллаштириш ва мониторинг қилиш юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими ва прокурорининг қўшма фармойиши қабул қилинди.

Фармойиш билан инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида бажарилишини мониторинг қилиб борувчи шаҳар ва туман ишчи гуруҳлари тузилди. Бу ишчи гуруҳлар лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради, инвесторларга ҳуқуқий жиҳатдан кўмаклашади. Туман ишчи гуруҳлари инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши ҳақида ҳар 15 кунда шаҳар ишчи гуруҳига ҳисобот бериб боради. Бу жараён иш самарадорлигига тўсқинлик қилаётган ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ўз навбатида, инвесторларга кўмаклашиш, мавжуд муаммоларни тезкор ҳал қилишга туман ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳам жавобгар ҳисобланади.

Тошкент шаҳар прокуратураси инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, лойиҳаларнинг белгиланган муддатда бажарилишини таъминлаш, ишчи гуруҳлар фаолияти устидан тизимли прокурор назоратини ўрнатиш, уларнинг ҳисоботини эшитиш, инвесторлар фаолиятидаги муаммоларни тезкор ҳал қилиш мақсадида шаҳар прокурорининг туманларда инвесторлар билан учрашув жадвали тасдиқланган.

Шу асосда ҳафтанинг белгиланган кунларида туманларда инвесторлар билан учрашамиз. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашиб, таклиф-мулоҳазаларини эшитамиз. Муаммолари бўлса, ваколатимиз доирасида тезда ҳал қилишга киришамиз.

Бир мисол. Яқинда Мирзо Улуғбек туманида инвесторлар билан учрашдик. Қори Ниёзий ва Лашкарбеги кўчалари чорраҳасида қиймати 15 миллион долларлик замонавий уй-жой қуриш лойиҳасини амалга ошираётган “Uzakay Inshaat” МЧЖ раҳбари Айжан Думан қурилиш ишлари учун электр тармоғига уланишда муаммоларга дуч келаётганини айтди. Шаҳар прокуратураси томонидан кўрилган чоралар натижасида қурилиш участкаси тегишли тартибда электр тармоғига уланди.

Шу тариқа биз ҳар бир лойиҳа тасдиқлангандан то ишга тушгунига қадар бўлган жараённи кузатиб борамиз. Мақсадимиз битта — инвестор ҳеч кимдан ноҳақлик кўрмасин, инвестиция жалб қилиш тизимида коррупция, сунъий тўсиқлар учрамасин. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра биз бунга йўл қўймаймиз.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу маънода, инвестиция бизга фаровон ҳаёт тақдим этади.

**ЎзА мухбири**
**Улуғбек АСРОРОВ**
**ёзиб олди.**

# ИККИ МАМЛАКАТ ЁШЛАРИНИ ҲАМКОРЛИККА УНДАГАН ЛОЙИҲА

1 ➡

Таълим, туризм, ахборот технологиялари, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, Ўзбекистонга Чин юрти инвестициясини фаол жалб этиш каби эзгу мақсадларни кўзлаган ушбу лойиҳа 2018 йил 1 сентябрда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда “Hi China” дунё ёшларини ривожлантириш форуми ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик меморандумига мувофиқ ташкил этилди. Шу муносабат билан юртимизга Хитойдан 45 нафар делегат ташриф буюрди.

Тадбирда ўзбекистонлик ва хитойлик талабалар турли соҳа мутасаддилари, таниқли тадбиркорлар ва экспертлар олдида таълим, туризм, ахборот технологияларини янада тараққий эттириш, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича ўз лойиҳалари тақдимотларини ўтказдилар.

Анжуман доирасида делегатлар юртимизнинг диққатга сазовор қатор масканлари, етакчи корхоналари, олий таълим муассасалари, шунингдек, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ҳазрати Имом жоме масжиди, Ўзбекистон халқаро бизнес ва технологиялари ассоциациясига ташриф буюриши, Самарқанд шаҳрига зиёрат қилиши режалаштирилган.

Тадбирлар 2 февралга қадар давом этади.

## Сўз — тадбир қатнашчиларига

**Си ЛЬЮ,**
**“Hi China” дунё ёшларини ривожлантириш форуми ижрочи президенти:**

— Ўзбекистон аҳолисининг кўп қисмини ёшлар ташкил этади. Бу эса навқирон авлод мамлакат ривожида катта куч эканини ифодалайди. Мамлакатингизда ана шу кучни юзага чиқариш ҳамда тараққиёт йўлида ундан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътирофга муносиб.

Ўзбекистонга еттинчи бор келишим ва юртингизда ёш авлод камолоти йўлида олиб борилаётган ишлар билан яхши танишман. Мамлакатда сўнгги икки йилда олиб борилаётган ислоҳотларни бугун дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда. Ёшларга қаратилган давлат сиёсати ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда амалга ошираётган лойиҳаларимиз ўзаро тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этади. Биз йигит-қизларнинг хорижий тиллар, IT соҳасидаги, ишбилармонлик, янги ғояларга интилувчанлик қобилиятларини кашф этишга интиляпмиз.

**Крис ЧЖОУ,**
**Синьхуа университети талабаси:**

— Ўзбекистонда ёшларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши ҳақида турли оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали таниш эдим. Юртингизга келиб, бу ерда ёшлар учун қулай шароитлар яратилгани, уларнинг ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун турли имтиёзлар берилганига гувоҳ бўлдик.

“Ёш сардор X” лойиҳаси доирасида қадим тарих ва бебаҳо қадриятларга эга Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш, бунга Хитой инвестициясини жалб этиш истиқболлари ҳақида тақдимот қилдик. Шу билан бирга, юртингизда олган таассуротларим менда яна янги ғоялар уйғотди. Лойиҳа давомида Ўзбекистон талабаларидан ҳам янгича қарашларни, янги тажрибаларни ўрганиб қайтишимизга ишончимиз комил.

**Юлдуз ЎРМОНОВА.**

# «ЯШИРИН» ИҚТИСОДИЁТНИ ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТСА БЎЛАДИ?

1 ➡

Шу боис “яширин” иқтисодиётга барҳам бериш, у билан шуғулланадиган тадбиркорларни аста-секинлик билан қонуний белгиланган тартибда ишлашга ўргатишимиз зарур.

Тадбиркорлик фаолияти билан ноқонуний шуғулланган ва ўз даромадларини яширган барча тадбиркорлик субъектларига амнистия қўллаш, яъни белгиланган амнистия муддати ичида тадбиркорлар ўз даромадларини ҳеч қандай тўсиқсиз ва ортиқча текширувларсиз Ўзбекистонда қайд этиб, легаллаштиришлари ҳамда фаолиятини давом эттиришлари учун қонуний чоралар кўриш мақсадга мувофиқ.

Давлат томонидан нақд пулсиз савдо қилаётган тадбиркорларга имтиёз, преференциялар бериш орқали уларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз иқтисодиётининг янада барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ривожланган давлатларда бугунги кунга келиб, нақд пул муомаласи қисқартирилган. Демак, барча пул айланиши банк орқали амалга оширилиши давлатнинг иқтисодиёти тараққий этишига ёрдам беради.

Бу жараёнда, биз, депутатлар ҳам фаоллик кўрсатган ҳолда жойларда тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз.

**Мақсуд ҚУРБОНБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# МАСАЛАЛАР ЧУҚУР ЎРГАНИЛИБ, САМАРАЛИ ЕЧИМ ТОПИЛАДИ

1 ➡

Фармонга мувофиқ, 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида таркибий ислоҳотлар асосий йўналишларининг “Йўл харитаси”ни амалга оширишни таъминлаш бўйича Иқтисодий кенгаш ҳам тузилмоқда. Унинг ҳузурида Ислоҳотлар “Йўл харитаси”даги энг муҳим йўналишларни экспертизадан ўтказувчи, хорижий мутахассислардан иборат Халқаро экспертлар гуруҳи ташкил этилади. Иқтисодий кенгашнинг асосий вазифалари қаторида ислоҳотларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган муаммолар ва хатарларни таҳлил қилиш ҳамда аниқлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда келгусида бажариладиган янгиланишлар юзасидан таклифлар тайёрлаш вазифаси ҳам бор.

Бу масала ҳам ўз ўрнида ўта долзарб. Бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса, бутун дунёда глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари кечаётган бир пайтда асосий иқтисодий омиллар мувозанатининг бузилиши натижасида юзага келган хатарлар қисқа муддатда бутун мамлакат иқтисодиётини издан чиқариб, ижтимоий тангликка олиб келиши мумкин. Шу жиҳатдан олганда, кучли мутахассис ва экспертлардан иборат Кенгашнинг бу масалада олиб борадиган таҳлилий фаолияти ўта муҳим аҳамият касб этади. Дастурни амалга ошириш механизми жуда оддий, аммо пухта. Масъул идора “Йўл харитаси”га киритилган масалалар юзасидан материаллар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини олдиндан Иқтисодий кенгаш Котибиятига киритади. У ерда ҳужжатлар Иқтисодий кенгаш ва Халқаро экспертлар гуруҳи аъзолари билан қайта ишланади. Шундан кейин Иқтисодий кенгаш муҳокамаси ўтказилиб, тегишли қарорлар қабул қилинади. Кенгаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, кенг муҳокама қилиш, тасдиқлаш ва уларни Президент Администрациясига киритишни таъминлайди.

Уларнинг изчил рўёбга чиқарилиши рақобатдош бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштириш имконини беради. Шунингдек, “Йўл харитаси”да макроиқтисодий барқарорликни сақлаб туриш, самарали фискал сиёсат юритиш, солиққа тортиш тизими ва солиқ маъмуриятчилигини тубдан ислоҳ қилиш каби муҳим йўналишларда аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Вазифалар шунчаки вазифа бўлиб қолиб кетмаслиги эса янги тузилаётган Иқтисодий кенгаш зиммасига юклатилди.

Ҳужжат иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтаради. Унинг самарали ижроси мамлакатимизнинг халқаро нуфузига, инвестициявий салоҳияти юксалишига бевосита таъсир кўрсатади.

**Одилжон ИМИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# ҲАММА УЧУН ТЕНГ ШАРОИТ

## монополияга чек қўйиб, соғлом рақобатни ривожлантиради

*Рақобат — иқтисодиёт ривожининг энг муҳим омилларидан бири. Шу маънода, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлари бу борадаги ишларни янада кенгайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.*

**Янги қўмитада:**

- **242 нафар** *бошқарув ходими фаолият юритади.*
- *Унинг раҳбари соҳани ривожлантириш мақсадида тизимга шартнома асосида малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ҳам жалб қилиши мумкин.*
- *Қўмита МДҲ ҳамда 30 дан зиёд хорижий мамлакатлар тажрибаси чуқур таҳлил қилинган ҳолда ташкил этилди.*

Жумладан, биринчи ҳужжатга мувофиқ, Монополияга қарши курашиш қўмитасида эндиликда 242 нафар бошқарув ходими, шу жумладан, марказий аппаратда 75 нафар ходим ишга киришади. Қўмита раҳбари соҳани ривожлантириш учун шартнома асосида тизимга малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ҳам жалб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу йўналиш бўйича мамлакатимизда етарли тажриба ва замонавий ёндашувлар нисбатан камлигини инобатга олсак, бу амалиёт жуда ўринли, дейиш мумкин. Қолаверса, мазкур идоранинг фаолиятини ташкил этишда МДҲ ҳамда 30 дан зиёд хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам чуқур таҳлил қилиб чиқилган.

— Қарор асосида қўмитамиз зиммасига юклатилаётган вазифаларга тўхталганда, аввало, товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини таъминлашда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳақида айтиб ўтиш керак, — дейди унинг раиси Нажмиддин Шарипов. — Шунингдек, товар ва молия бозорида рақобат муҳити ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, савдолар ҳамда иқтисодий концентрацияни монополияга қарши тартибга солишдан иборат.

Шу ўринда ҳозиргача фаолияти тугатилаётган Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан тегишли рухсатномалар олган корхоналар қандай фаолият юритади, деган савол туғилиши табиий. Қарорда бунга ҳам батафсил жавоб берилган. Яъни эндиликда собиқ ташкилот томонидан бунгача берилган ҳуқуқ ўрнатувчи, рухсат берувчи ҳужжатлар ва қабул қилинган қарорлар ўз кучини сақлаб қолади ҳамда уларга ўзгартириш киритилмайди. Демак, бу жиҳатдан улар хотиржам бўлишлари мумкин.

Ҳужжатнинг яна бир муҳим жиҳати, бевосита янги жорий этилаётган йиғим тури билан боғлиқ. Унга кўра, 2019 йилнинг 1 июлидан бошлаб, хўжалик юритувчи субъектларнинг қўшиб юборилиши, қўшиб олиниши билан боғлиқ ҳамда улар устав капиталидаги акцияларни сотиб олишга доир битимларга қўмита томонидан розилик берилиши учун энг кам иш ҳақининг **10 баравари микдорида йиғим** ундирилади. Ушбу йиғимлар эса қўмита ҳузурида ташкил этиладиган **Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига йўналтирилади** ва қўмитанинг жорий харажатларини молиялаштириш, ходимларни моддий рағбатлантириш, мутахассисларни ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш каби чора-тадбирларга сарфланади.

### Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги:

- ✓қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ягона ваколатли давлат органи ҳисобланади;
- ✓у мустақил ташкилот сифатида ўз стратегиясини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга;
- ✓агентлик томонидан жорий йилда Капитал бозорини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилади.

Айтиш жоизки, яқин икки ой янги қўмита мутахассислари учун тиғиз кечади. Чунки улар ана шу муддат ичида тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш услубиётини тасдиқлаши, қўмита ҳузурида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигини ташкил этиши ҳамда 2019 — 2023 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегиясини тайёрлаши зарур.

Энди Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги хусусида фикр юритсак. Қайд этиш керак, агентлик қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ягона ваколатли давлат органи, Фонд биржалари ва қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятларни лицензияловчи бош ташкилотга айланади. Бундан ташқари, қарор билан бундан буён агентлик фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ушбу органнинг ўзи билан мажбурий тартибда келишиш шарт қилиб қўйилмоқда. Бу унинг мустақиллигини, ўз стратегиясини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга эканини англатади.

Шунингдек, жорий йилда агентликка Капитал бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган. Соҳа ходимларининг сўзларига қараганда, ушбу стратегия, аввало, мамлакатда фонд бозорини ривожлантириш, қимматли қоғозлар қийматини чинакамига ошириш ва хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон фонд бозорида фаол иштирок этишга бўлган қизиқишини орттиришга хизмат қилиши керак.

Агентлик ташкил этилиши ушбу бозор иштирокчиларини хурсанд қилаётгани аниқ. Чунки капитал бозорида томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тенглигини таъминлаш учун ўртада турган ваколатли органнинг бетараф бўлиши, у ёки бу томонга тобе ёхуд ён босмаслиги муҳим омил ҳисобланади. Зеро, бизнесда ишонч ва кафолат бўлса, сармоя қўрқмасдан ўртага ташланади.

Ҳар иккала қарорда янги ташкил этилаётган органларга тегишли имтиёзлар берилиши ҳам кўзда тутилган. Яъни Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва уларнинг ҳудудий органлари ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ, судларга киритиладиган даъволар бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинадилар.

Умуман, шу кунгача рақобат, хусусий корхоналар фаолияти, қимматли қоғозлар ва монополияга қарши курашиш масалалари билан шуғулланиб келган битта ташкилот ўрнига бир-биридан ҳамда бошқа вазирлик, идора ёки органдан бутунлай мустақил бўлган ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилиши вазифаларни тўлатўкис адо этиш имкониятини беради. Содда қилиб айтганда, ҳамма ўз иши билан шуғулланади.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Д. УЛУҒМУРОДОВ тайёрлади.**

**Анжуман**

# Пенсия миқдори ўртача 65 минг сўмдан 263 минг сўмгача оширилди

*Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилган ҳисоб-китобларга кўра, 519 минг нафардан ортиқроқ пенсионерларнинг пенсия миқдори ўртача 65 минг сўмдан 263 минг сўмгача оширилди.*

Жамғарма томонидан Президентимизнинг 2018 йил 12 декабрдаги "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишлаб ташкил этилган анжуманда шу ҳақда маълумот берилди.

Айни пайтда пенсионер ва нафақахўрларнинг умумий сони 3 миллион 445 минг нафарни ташкил этади. Шундан 3,1 миллион нафарига ёшга доир пенсия белгиланган бўлса-да, уларнинг аксарияти ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда фаол. 118 минг нафардан зиёдроқ пенсионерлар турли соҳаларда меҳнат қилиб келишаётгани бунга ёрқин мисолдир.

Бироқ юксак касбий ва бой ҳаётий тажрибага эга бу тоифадаги кишилар шу пайтгача иш ҳақининг 50 фоизини олишарди. Тўғри, улар орасида алоҳида имтиёзга эга бўлганларга пенсия тўлиқ ҳажмда тўланган. Аммо ушбу тоифадагилар жами ишловчи пенсионерларнинг 34 фоизини ташкил этган холос.

Давлатимиз раҳбари Фармонига мувофиқ, 2019 йил 1 январдан эътиборан барча тоифадаги ишловчи пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланадиган бўлди.

— Бундан ташқари, ушбу ҳужжатга асосан, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробаригача оширилди, — дейди бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директори Ёркин Турсунов. — Бу янгилик ижтимоий адолат принципини қарор топтиришга хизмат қилади. Негаки, илгари юқори миқдорда ойлик иш ҳақи олувчи фуқароларга пенсияни ҳисоблашда фақат энг кам ойлик иш ҳақи (ЭКИҲ)нинг 8 баробаридан юқори қисми ҳисобга олинмас эди.

Янги тартиб бўйича ЭКИҲнинг 10 баравари миқдорида ҳисобга олинади. Бунда, пенсиянинг таянч миқдори 1115 минг сўмни, ортиқча ишлаган йиллар учун қўшимчани ҳисобга олган ҳолда, пенсиянинг умумий миқдори 1 миллион 317 минг сўмни ташкил этади. Бу юқори ойлик олган пенсионерларнинг пенсияси 263 минг сўмга ошди, деганидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш keракки, бу нафақат 2019 йил 1 январдан кейин пенсияга чиқувчилар, балки ушбу тоифага тушувчи пенсионерларга нисбатан ҳам татбиқ этилди. Натижада уларнинг пенсияси сезиларли даражада кўтарилди.

**С. ИБОДУЛЛАЕВ.**

# ПОЙТАХТ БОЗОРЛАРИДАГИ ҚИНҒИРЛИКЛАР




*Бу ҳақда Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот шуъбаси хабар берди.*

*Маълумки, бугун тадбиркорлик қиламан, деган кишининг йўлига ҳеч ким ғов бўлмайди. Яъни ишбилармонлар учун барча имконият эшиклари очилган. Фақатгина белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилган ҳолда қонуний фаолият юритиш кифоя.*

**Назорат**

Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан солиқларни ўз вақтида тўлаб келаётган инсофли тадбиркорларни рағбатлантириш, соғлом рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган ноқонуний савдо фаолиятига чек қўйиш мақсадида кенг қамровли мониторинг ташкил этилмоқда. Жумладан, пойтахтимизнинг Ўриксор, Чилонзор буюм бозори, Қатортол савдо комплекси ва Чорсу бозорларида ўтказилган мониторинг жараёнида 127 та ҳолатда тўлов терминалларидан фойдаланмаслик, 104 ҳолатда назорат касса машиналарини ишлатмаслик, 77 та ҳолатда ҳужжатсиз фаолият юритилаётганлиги ва 3 ҳолатда истеъмолчиларга сифатсиз маҳсулотлар сотилаётганлиги аниқланди.

Мониторинг давомида нақд пул тушумларини банк кассаларига топширмаслик, назорат касса машинасини носоз ҳолатга келтириш, фискал хотирадаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, назорат касса машиналарини йўқотиш орқали товар айланмалари тўғрисидаги маълумотномаларни сохталаштириш қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлиши тушунтирилмоқда.



Ўриксор бозорида 13 нафар тадбиркорнинг фаолиятида ўтказилган хронометраж тадбирида жорий йил январь ойининг ўтган 20 кунида ўртача тушум 14,6 миллион сўмни ташкил этган бўлса, ўрганиш кунида бир кунлик тушум 112,5 миллион сўмни, яъни олдинги кунларга нисбатан қарийб 8 баравар ошгани маълум бўлди. Масалан, ушбу ҳудудда савдо фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркор О. Салимов (исм-фамилияси ўзгартирилган) банк кассасига кунига ўртача 551,1 минг сўм савдо пули топшириб келган бўлса, кўздан кечириш тадбири ўтказилган куни тушум олдинги кунларга нисбатан 15 баравар кўпайган.

Айтиш жоизки, тўлов терминали ва назорат касса машиналарини белгиланган тартибда ишлатмаганлик учун Солиқ кодексига асосан, энг кам ойлик иш ҳақининг 30 бараваридан 50 бараваригача, тўлов терминали орқали қабул қилишни рад этиш энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида ҳамда савдодан тушган нақд пул маблағларини банк кассаларига топширмаслик, яширилган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима ҳамда солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, деб баҳоланади. Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари томонидан "Солиқ хизмати — инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкори" деган мақсадли вазифани сўзсиз бажариш юзасидан ўтказилаётган бу каби мониторинглар давом эттирилади.

**С. МАХСУМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**

**Тадқиқот**

# СУВНИ ТЕЖАБ, КЎП ҲОСИЛ ОЛИНДИ

*Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали олимлари суғоришнинг янги усулидан фойдаланиб, 70 сотихли майдонда ғўзанинг "Андижон-35" навидан гектар ҳисобига 44,5 центнер ҳосил олишга эришишди. Бу натижа бошқа навларга нисбатан 14 центнерга кўп демакдир.*

Ушбу усулда шланглар ер остига, 20 — 70 сантиметр чуқурликка жойлаштирилади. Унда кўп миқдордаги майда тешикчалар мавжуд бўлганлиги сабабли намлик бир маромда сақланади. Натижада тупроқ юзи намланмайди ва бегона ўтлар униб чиқмайди.

— Айни пайтда анъанавий ғўза парвариши жараёнида 1 гектар майдонни суғориш учун 10 минг кубометр сув сарфланмоқда, — дейди профессор Анвар Исашев. — Янги усул орқали эса бу кўрсаткич 2 минг 400 кубометрни ташкил этади. Демак, 7 минг 600 кубометр обиҳаёт тежаб қолинади.

Бир гектарда фойдаланиладиган 11 минг метр шланг 20 йил давомида хизмат қилиши инобатга олинса, бунинг эвазига ҳар йили миллионлаб маблағни тежаш имконияти пайдо бўлади.

**Саминжон ҲУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ГАЗ «ЗАПРАВКА»ЛАРИДАГИ НАРХ-НАВО «ЎЙИН»ЛАРИ

## ҚАЧОН БАРҲАМ ТОПАДИ?




## ЁХУД ЎЗБОШИМЧА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ТАНОБИНИ ТОРТИБ ҚЎЯДИГАНЛАР ЙЎҚМИ?

*Мана, икки ойдирки, сиқилган газ етказиб берилиши-ю, унинг нархи борасидаги мунозаралар тингани йўқ. Аҳоли газ босими пастлигидан, унинг нархи ошиб кетганидан норози: газ "заправка"ларидаги "ўйин"лар қачон тугайди? Ўзбошимча тадбиркорларнинг танобини тортиб қўядиганлар йўқми?*

*Мурожаатчилар томонидан қўйилаётган ана шундай кескин саволлар вазиятни ўрганиш, муаммонинг асл моҳиятини очишга ундади.*

**Долзарб мавзу**

Ҳозирги пайтда юртимизда 692 та автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаси (АГТКШ) фаолият юритмоқда. Шу пайтгача, аниқроғи, 2018 йилнинг декабрига қадар улар фаолиятидан айтарли ҳеч ким норизо бўлмаган. Фарғона вилоятидаги АГТКШларда узундан-узоқ навбатлар пайдо бўлганидан сўнг масала юзага чиқа бошлади.

Истеъмолчиларнинг фикрича, газ "заправка"ларидаги тақчилликка, нарх-навонинг ошишига таъминотдаги узилишлар, маҳсулот вақтида етказиб берилмаётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Бу гаплар қанчалик асосли?

Масалага аниқлик киритиш учун дастлаб "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамиятига мурожаат қилдик.

Жамият мутасаддиларининг айтишича, ҳаво ҳароратининг кескин совиши натижасида, ҳақиқатан ҳам, 2018 йил декабрь ойида Фарғона вилоятидаги маҳсулот узатувчи магистраль қувурларда табиий газ босимининг тушиб кетиши кузатилди. Бундан ташқари, аҳоли хонадонлари, "Ўзбекэнерго" АЖ тизимидаги стратегик аҳамиятга эга корхоналар, иқтисодиётнинг реал секторидаги бошқа субъектларда табиий газ истеъмоли ортиб кетган. Бироқ табиий газ қазиб олувчи ва қайта ишловчи корхоналар томонидан тизимга кунлик етказиб берилаётган маҳсулот ҳажмлари эса сезиларли даражада камайган. Шу каби ҳолатлар, хусусан, Фарғона водийсига газ узатувчи қувурларда босимнинг пасайишига олиб келган. 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб, бу каби муаммолар ҳал этилиб, истеъмолчиларга белгиланган меъёрда узлуксиз равишда табиий газ етказиб бериш йўлга қўйилди.

Дарҳақиқат, буни жойларда АГТКШ фаолияти изга тушгани, бир неча километрларга чўзилган навбатларнинг йўқлигидан ҳам илғаш мумкин. Лекин босим айнан меъёрига тушгандан сўнг нарх-наво кўтарилганини қандай изоҳлаш мумкин?

### Нархни оширишга ҳеч қандай асос йўқ

Жорий йилнинг 4 январидан эътиборан, 1 куб метр сиқилган газ нархи 300 сўмгача ошиб, ўртача 2200 сўмдан сотилмоқда. Сабабини сўрасангиз, буни қайси тадбиркор бўлмасин, солиқдаги ўзгаришлар, яъни қўшимча қиймат солиғи қўлланилаётгани билан боғлайди. Аслида-чи?

— Давлат солиқ қўмитаси томонидан танлов асосида бир қанча метан газ қуйиш шохобчаларининг фаолияти таҳлил қилинди, — дейди қўмита Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилиги бошқармаси бошлиғи Айдос Қошанов. — Унда аниқланишича, 2018 йилнинг 9 ойида 1 куб метр сиқилган газнинг ўртача нархи 1650 сўмдан сотилган бўлса, тўртинчи чоракка келиб, 1950 сўмгача оширилган. 2019 йилдан эса ҳеч қандай асоссиз равишда 2200 сўмгача сотилмоқда. Натижада газ қуйиш шохобчаларининг рентабеллик даражаси 2018 йилнинг 9 ойлигидаги 20 — 29 фоиздан 45 — 60 фоизгача ошган. Агар ушбу шохобчаларнинг рентабеллик даражаси 30 — 36 фоиз микдорида сақланган тақдирда ҳам, нарх 1800-1900 сўмдан юқори бўлмаслиги керак эди.

Ваҳолонки, газ учун акциз солиғи киритилиши ҳисобига 55 сўм, ягона солиқ тўлов ўрнига қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк, ер солиғи ва фойда солиғи киритилиши натижасида 155 сўм, бошқача айтганда, 1 куб метр газ нархи бор-йўғи 210 сўмгача ошиши ҳам инобатга олинган.

Солиқчиларнинг фикрича, даромадлилик ва рентабеллик даражасини юқори миқдорларда сақлаш мақсадида айрим газ тўлдириш шохобчалари асоссиз равишда нархларни оширишга уринмоқда. Аслида нархларни ўзгартирмасдан фаолият кўрсатилганида ҳам рентабеллик даражаси 25 — 30 фоизни ташкил этаркан. Бу эса иқтисодиёт тармоғидаги рентабеллик даражаси бўйича энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Шундай экан, нега баъзи тадбиркорлар 2200 сўмлик нархга ҳам қаноат қилмаяпти?

Бунга аҳоли ўртасида "ТАПОиЧ заправка" номи билан танилган "Rahshona — Н.Н" МЧЖга қарашли АГТКШ мисол бўла олади. Негаки, бу ерда йил бошидан буён бир куб метр сиқилган газ 2250 сўмдан сотилмоқда.

Унинг доимий мижозлари эса шунга ҳам шукр қилиб олишяпти. Нега дейсизми, бу тадбиркор ўтган йилнинг тўртинчи чорагида нархни бирданига 500 сўмга кўтариб, 2300 сўм қилиб қўйган эди. Ҳартугул, эътирозлардан кейин нарх пасайтирилиб, 1900 сўмга туширилди. Лекин буям узоққа чўзилмади.

Тегишли давлат органлари асоссиз равишда нархларни оширишга уринадиган тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиб бораётгани ҳақидаги огоҳлантиришлар ҳам амалда фойда бермаяпти. Нега? Ёки соҳада биз билмаган, англамаган жиҳатлар борми? Бунга тадбиркорларнинг ўзлари нима дейишади?

### Тадбиркор фойда кўришни хоҳлайди. Аммо...

Қизиқ жиҳати, тадбиркорларнинг ҳеч бири вазиятга изоҳ беришни истамади. Аниқроғи, ўзларини олиб қочишди. Айримлари эса очиғини айтиб, бизни молиявий ишларга масъул бўлган бош ҳисобчиларига рўбарў қилишди.

Рози бўлдик. Ахир саволларга корхона раҳбари ёки бошқанинг жавоб қайтаргани эмас, балки уларга аниқ ва жўяли изоҳ берилгани муҳим.

Соҳада кўп йиллардан буён меҳнат қилаётган мутахассисларнинг фикрича, аҳоли билиб-билмай, газ баҳосининг ошишида тадбиркорларни айблашмоқда. АГТКШ шунчаки савдо муассасаси эмас, аксинча, ишлаб чиқариш субъекти ҳисобланади. Етказиб берилаётган табиий газ шу ерда мотор ёнилғисига айлантирилади. Яъни тўрт марта тозаланиб, шунча марта сиқилади. Натижада босим 2 атмосферадан 200 атмосферагача етказилади.

Биз уларнинг заҳматли меҳнатини эътироф қилган ҳолда, мақсадга кўчамиз: нарх нега оширилди?

— Тадбиркор қайси соҳада фаолият юритмасин, асосий мақсади фойда олишдир, хусусан, АГТКШда ҳам, — дейди Юқори Чирчиқ туманидаги "Парвоз инвест" МЧЖ бош ҳисобчиси Севар Холматова. — Лойиҳага тиккан маблағи, технологик ускуналари учун олган кредити шунинг ҳисобидан қопланади. Қолаверса, давлатга солиқ, ишчи-ходимларга маош тўлайди. Газ баҳосининг кўтарилишига эса, биринчи навбатда, лимит қўлланилгани сабаб бўлмоқда. Масалан, бизнинг шохобчага лимит доирасида ойига 300 минг куб метр газ берилади, дейлик. Унга 800 сўмдан олдиндан тўлов қиламиз. Одатда, бунча маҳсулот 20 кунда сотиб бўлинади. Кейин табиий газни икки баробар қимматга харид қилишимизга тўғри келяпти. Биргина 2018 йилда сотилган газнинг 16 фоизини лимитдан ташқари олганмиз. Илгари солиқни нисбатан кам тўлаганимиз туфайли ўртадаги тафовутни "ёпиш" қийинчилик туғдирмасди.

— Ҳозир-чи, қанча солиқ тўланади? Бу нарх-навога қай даражада таъсир кўрсатмоқда? — дея сўраймиз суҳбатдошимиздан.

— 2019 йилгача истеъмол ва ягона солиқ тўлардик, холос, — дейди С. Холматова. — Бу умумий харажатларнинг 21 фоизидан ошмасди. Солиқ соҳасидаги ўзгаришлар туфайли эндиликда ер, мол-мулк, сув, даромад, ҚҚС тўлаймиз. Яна акциз солиғи ҳам қўшилди. Шу тариқа давлатга тўлайдиган солиғимиз 22 фоизга етди.

— Бу ерда катта фарқ кўрмаяпмиз, газ 1900-1950 сўмдан сотилган тақдирда нима ютқазасиз? — ўсмоқчилаб сўраймиз яна.

*Гапимиздан жаҳли чиққан ҳисобчи қўлига калькулятор олиб, бир куб метр газ таннархини ҳисоблашга тушади. Биз эса киприк қоқмай кузатамиз. Табиий газ 667 сўм бўлса, унга электр энергияси учун 94,45 сўм, ойлик иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловга 112 сўм, амортизация, яъни эскириш суммаси 97 сўм, техник материаллар харажати 161,6 сўм, ер, мол-мулк, сув солиқларига 22 сўм, бошқа харажатларга 42 сўм қўшади. Экранда 1196 сўм ҳосил бўлади.*

*Ҳайратимизни англаган ҳушёр ҳисобчи "Ҳали шошманг, бунга ҚҚС солиғини ҳисоблаб, 240 сўм, акциз солиғи учун 360 сўм қўшамиз" дейди. Шундай қилиб, 1 куб метр сиқилган газ таннархи 1796 сўмга айланар экан. Агар у эски нархда, яъни 1950 сўмдан сотилганда, тадбиркорга 29 сўм, 2200 сўмдан сотилса 204 сўм накд фойда қолар экан.*

### Лимит қандай белгиланади?

Афтидан, газ баҳосига маҳсулотнинг лимитдан ортиқча олинаётгани, содда қилиб айтганда, лимит камлиги катта таъсир кўрсатаётганга ўхшайди. Бунга "Ўзтрансгаз" АЖ нима дейди?

"Ўзтрансгаз" АЖ масъулларининг айтишича, ҳар йили 1 сентябрга қадар истеъмолчиларнинг зарурий газ ҳажмлари тўғрисидаги талабномалари йиғилиб, улар "Ўзбекнефтгаз" АЖга киритилади. "Ўзбекнефтгаз" АЖ ҳам, ўз навбатида, 1 августгача келгуси йил учун табиий газ қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш, тақсимлаш билан боғлиқ эҳтиёж ва технологик йўқотишларни аниқлайди.

Хулосалар эса 15 сентябрга қадар Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига тақдим этилади. Вазирлик томонидан табиий газ баланси ресурс ҳажмлари тақсимоти ойлик, йиллик шаклда тасдиқланиб, "Ўзбекнефтгаз" АЖга юборилади, сўнг ижросини таъминлаш учун "Ўзтрансгаз" АЖга етказилади.

"Ўзтрансгаз" АЖ мазкур табиий газ баланс ҳажмларини ҳудудий газ таъминоти филиаллари кесимида жойлардаги АГТКШнинг истеъмол қилган газ ҳажмларидан келиб чиқиб, мутаносиб равишда тақсимлайди, филиалларга жўнатади.

Кўриниб турибдики, ҳамманинг ўз ҳақиқати бор. Мақсадимиз ҳакамлик қилиш эмас. Бозор иқтисодиёти шароитида нарх-наво талаб ва таклиф асосида шаклланишини билмайдиганлар эса бўлмаса керак. Аммо шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган. Унинг туб замирида аҳолини рози қилиш, уларга муносиб турмуш шароитини яратишдек эзгу мақсад мужассам.

Шу маънода, республикамизнинг айрим жойларида сиқилган газнинг 2000 сўм ёки 2100 сўмдан сотилаётгани ҳақидаги хабарларни эшитиб, инсофли, халққа қайишадиган тадбиркорлар ишидан қувонасан, киши. Лекин турли ҳудудлардаги шохобчаларнинг бирваракайига, деярли бир вақтда бир хил нарх белгилаши мулоҳаза қилишга ундайди. Наҳотки, уларда сарф-харажатлар ҳам бир хил бўлса?..

Хулоса қилмаймиз. Ушбу мавзуга яна қайтамиз.

**Саид РАҲМОНОВ. («Халқ сўзи»)**

# ТИЛИМИЗНИНГ ЖИЛОСИНИ, АВВАЛО, ТИЛШУНОСЛАР КЎРСАТИШСИН

## ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎЗ ЮРТИДА ЎРГАНИБ, МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛГАН ХОРИЖЛИКЛАРНИНГ АЖАБЛАНИШЛАРИ БЕЖИЗ ЭМАС.

*Бир тилшунос "мишкам чёто ишламаяпти", "мақолани нормальний ёзаркан-ку", "бу жуда серьёзний тема" деса, фарзанд кутаётган она "медосмотрга бораман", "врачга лечение ёздирдим", дейди. Ота ҳам улардан қолишмай, "роддомдан боламни олиб чиқаман", "мамашкага подарка олишим керак", деганига ҳеч ким ажабланмайди. Негаки, кўпчилигимиз бунақа антиқа муомала воситасига ўрганиб қолганмиз. Юртимизга келаётган хорижлик мутахассислар ҳам "нормальний", "серьёзний", "тема", "медосмотр", "лечение" қабилидаги сўзларни янги деб ўйлаб, дарҳол луғат титкилашга тушиб кетишади. Нафсиламрини айтганда, улар тоза ва соф ҳолда ўрганган тил амалда бунақа эканлигини хаёлларига ҳам келтиришмаган бўлади.*

*Бу оддий одамлар орасида, жонли тилдаги манзара.*

### Мулоҳаза

Эҳтимол, тилшуносликда аҳвол бошқачадир? Йўқ, унақа эмас. Ўзбек тилшунослиги "пропозитив аспект", "предикативлик", "модаллик", "реляцион структура", "парадигматика", "синтагматика", "предикатив синтагма трансформацияси", "морфонология", "идеома", "троп", "атрибутив логика", "паразит сўзлар", "системавий структур усул", "ареал лингвистика" сингари Ғарб тилшунослигининг ўзида ҳам истеъмолдан чиқариб ташланган ёки ташланаётган атамалари ботқоғидан чиқишни негадир ҳали-ҳануз хаёлига келтира олмаяпти.

Сўз туркумлари, келишиклар, гап бўлаклари — барча-барча қоидалар ўзбек тилшунослиги тарихида алоҳида ўрин эгаллаган ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида ишлаб чиқилган эди. В. Решетовнинг "Современный узбекский язык", А. Кононовнинг "Грамматика узбекского языка" каби қўлланма-дарсликлари ўз вақтида вазифасини бажариб бўлганини негадир тан олгимиз келмайди. Бугун биз тилшунослик доирасида ўрганаётган ва ўргатаётган қоидалар ўтган асрнинг 40 — 80-йилларида А. Ғуломов, Ш. Шоабдураҳмонов, Н. Баскаков, А. Содиқов, Ш. Раҳматуллаев, Ғ. Абдураҳмонов, М. Асқарова каби олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Шу боис жонли тил тилшунослик қоидаларига тўла мос келмайдиган морфология, синтаксис, фонетика, морфемика ва ҳоказоларга эга, чунки у қотиб қолган ҳодиса эмас.

"Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ҳамда ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтказилиши ўзбек тилшунослигининг энг муҳим ютуқларидир", дея эътироф этилаётган қўлланма-дарсликлар ҳам бир-икки оғиз гап ё бирор қоида ҳисобига бойиб, яна миллион-миллион нусхада чоп этилаверади. Бундай кўзбўямачиликлар ортидан яна муаммолар келиб чиқаверади.

Таққослаш лозим бўлса, замонавий тиббиётда бир йўналиш иккинчиси билан чалкаштириб юборилмайди. Кўз дўхтири ҳеч қачон жарроҳликдан ақл ўргатмайди. Тилшуносликда эса ўнта йўналиш бўлса ҳам фарқи йўқ, битта шахс муаллифлик қилавериши мумкин. Бу қомусийлик белгисими? Йўқ, ундай эмас, иддао катта бўлгани билан натижа йўқ, буни она тилимизнинг бугунги аҳволи кўрсатиб турибди. Миллий ғурур, миллий қадриятлар барчаси она тили ҳиссиёти билан боғлиқ эканлиги мушоҳада этиладиган бўлса, маънавий-маърифий соҳаларда кечаётган ислоҳотларнинг нечоғли эканлигини ҳам тасаввур этиш қийин эмас.

— Ўттиз йилдан бери она тилидан дарс бераман, — дейди ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Муяссар Маматова. — Чалкашликлар, қўпол хатолар шунақа кўпки, китоб бўлса бўлди экан-да, деб хафа бўлиб кетаман. Бундай хатоларнинг кўплигидан қай бирини айтишни ва тузатишни билмайсан, киши. Бугун бутун бир мамлакат ўқувчилари, талабалар ана шундай тилшунослик асосида она тили дарсини ўрганганларидан кейин қандай қилиб уларда миллий руҳ бутун бўлсин, соф ўзбек тилида сўзлашишга интилишсин?

"Реклама тўғрисида"ги Қонун ва бошқа турдош ҳужжатлар ижросини назорат қилиш, четдан ўзлашадиган сўзларни тартибга солиш, мувофиқлаштириш, қуввати баланд шеваларимиздан адабий тилга сўз қабул қилиш, тилимизнинг туркий олам минбаридаги алоҳида ўрнини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, унинг турли дипломатик алоқаларда амал қилишини, барча ташкилот ҳамда муассасаларда меъёрий ҳужжатлар давлат тилида олиб борилишини, оммавий ахборот воситаларида давлат тили тўлиқ амалда бўлишини назорат қилувчи давлат муассасалари фаолияти йўлга қўйилиши орқали бу соҳадаги муаммоларга маълум маънода ечим топилар. Аммо бугунги инновацион ўзгаришлар даврида тил соҳасида ҳам барча муаммога мажмуавий ёндашув зарурлиги давр талабидир.

"Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, ёшларимиз ўзимизнинг газета-журналларимизни ўқимаса, ўз миллий адабиётимиз ва санъатимизни билмаса, улар қандай қилиб ватанпарвар бўлади? — давлатимиз раҳбари "Жисмоний ва маънавий етук ёшлар — эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир" мавзуида сўзлаган нутқида бу масалага ниҳоятда долзарб ҳамда жиддий тарзда ёндашиб, барча масъул идоралар раҳбарлари олдига кўндаланг савол қўйган эди. — Уларнинг онгу тафаккури, дунёқараши нима ҳисобидан шаклланади? Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, катта-кичик раҳбарларнинг барчаси бу масала бўйича шахсан масъул эканини унутишга ҳеч қандай ҳаққи йўқ".

"Давлат тили ҳақида"ги Қонун ижросини таъминлаш бўйича Олий Мажлис Сенати Кенгашининг "Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳрида ижро этилишини ўрганиш натижалари тўғрисида"ги қарори асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 декабрь куни "Йўл харитаси" имзоланди. Унда она тилимизнинг нуфузини, софлигини сақлаб қолиш учун талай муҳим вазифалар қўйилди. Улар орасида таълим жараёнида ўзбек тили ва адабиёти ўқитилишини янада такомиллаштириш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан назорат олиб борувчи махсус инспекция тузиш вазифаси белгиланди. Эндиги амалий ҳаракатлардан сўнг ўзбек тилини чин дилдан ўрганган хорижлик мутахассис юртимизга келганда "замонавий" ўзбек сўзларимизни эшитиб, унинг мағзини чақишга бош қотириб юрмаса деймиз. Шояд, шундай бўлса.

> Ўзбек тилининг хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турли йўналишларда изланишларга эҳтиёж, имконият — барча-барчаси яратилган бўлса-да, негадир хоҳишнинг йўқлиги, лоқайдлик бунга тўсиқ бўлиб қолмоқда. Она тилимизнинг ҳозирги эҳтиёжи тилшуносликда Маҳмуд Замаҳшарий, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат каби аждодларимиз қолдирган илмий манбаларга тегишлича асосланган, тилимизнинг тарихий ва замонавий хусусиятлари, унинг барча имкониятлари, жилолари, фонетик жиҳатдан ўзига хосликларини қатъий ҳисобга олган ҳолда тизимли равишда ўрганадиган ва ўргатадиган янгича тилшунослик манбалари, дарсликлари яратилишини тақозо этаётир.

**Маъмура ЗОҲИДОВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўқув-методика ва ҳарбий-ватанпарварлик бўлими бош мутахассиси.**

### Хабар

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 22 ДЕКАБРДАН 31 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 7 декабрдаги 2018-81-сон "Акцизли товарларнинг айрим турларини сотиш ҳажмлари тўғрисидаги маълумот шаклини тасдиқлаш ҳақида"ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори.

***2018 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2074-1. (2019 йил 1 январдан кучга кирди).***

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 13 ноябрдаги 143-сон "Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (5-сонли БҲС) "Қишлоқ хўжалиги"ни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи.

***2018 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3106. (2019 йил 1 январдан кучга кирди).***

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 26 декабрдаги 567-мҳ-сон "Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги буйруғи.

***2018 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2151-6. (2018 йил 27 декабрдан кучга кирди).***

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 26 декабрдаги 568-мҳ-сон "Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

***2018 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149-9. (2018 йил 27 декабрдан кучга кирди).***

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 26 декабрдаги 569-мҳ-сон "Давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

***2018 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2170-3. (2019 йил 1 январдан кучга кирди).***

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 27 октябрдаги 34/5-сон "Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарори.

***2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-4. (2019 йил 29 январдан кучга киради).***

7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 10 декабрдаги 10/ққ, 29-ққ, 148-сон "Республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қарори.

***2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2790-1. (2018 йил 28 декабрдан кучга кирди).***

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/20-сон "Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори.

***2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3003-1. (2018 йил 28 декабрдан кучга кирди).***

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/2-сон "Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори.

***2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2933-2. (2018 йил 28 декабрдан кучга кирди).***

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 24 декабрдаги 158, 2018-85-сон "Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида"ги қарори.

***2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3107. (2019 йил 1 январдан кучга кирди).***

11. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 25 декабрдаги 159-сон "Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) "Ягона счётлар режаси"ни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги буйруғи.

***2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3078-1. (2019 йил 1 январдан кучга кирди).***

12. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 23 ноябрдаги 24-мҳ-сон "Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкламалари ҳажмини тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

***2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3108. (2018 йил 28 декабрдан кучга кирди).***

13. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги 55-сон "Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

***2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2908-1. (2018 йил 28 декабрдан кучга кирди).***

14. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 28 декабрдаги 580-мҳ-сон "Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

***2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2231-1. (2019 йил 1 январдан кучга кирди).***

15. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 2018 йил 27 ноябрдаги 37-сон "Консуллик легаллаштириш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

***2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 313-2. (2018 йил 31 декабрдан кучга кирди).***

16. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 27 ноябрдаги 54-сон "Халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият кўрсатиш тартиби ва ҳажмлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

***2018 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3111. (2019 йил 1 апрелдан кучга киради).***

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги 9-мҳ, 14-мҳ-сон "Умумтаълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори.

***2018 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3112. (2018 йил 31 декабрдан кучга кирди).***

18. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 29 декабрдаги 584-мҳ-сон "Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида"ги буйруғи.

***2018 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1654-2. (2018 йил 31 декабрдан кучга кирди).***

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг "Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1654, 2007 йил 15 январь), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 1654-1, 2017 йил 5 январь).

**Адлия вазирининг 2018 йил 29 декабрдаги 584-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

***III. Ўз кучини йўқотган деб топилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлигининг 2018 йил 14 декабрдаги 83, 60, 10-сон "Транспорт воситаларини бошқараётган шахсларни мастлик ҳолатини аниқлаш учун медицина текширувига йўллаш ҳамда алкоголли ёки таркибида алкоголь бўлган ичимликларни, гиёҳванд ёки бошқа гангитувчи моддаларни истеъмол қилганлик ҳолларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қарори.

## МАДАНИЯТ *хабарлари*

### Санъаткорлар Мўйноқда

*Мўйноқ туманидаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабида Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Тожикистон халқ артисти Шерали Жўраев, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Туркманистон халқ артисти Ортиқ Отажонов, "Ниҳол" мукофоти совриндори Феруза Жуманиёзова куй-қўшиқлар ижроси борасида "Маҳорат дарси" ўтказди.*

*Уларнинг Мўйноқни ривожлантириш дастури асосида меҳнат қилаётган ҳашарчилар учун намойиш этган концерт дастурлари кўпчиликка яхши кайфият улашди.*

### «Замон ва макон оралиғидаги авангард»

*Тасвирий санъатдаги замонавий илғор услублар ўтган асрда шўро мафкураси таъсирида йўқолиш хавфи остида қолган эди. Ўзи ҳам рассом бўлган коллекция йиғувчи И. В. Савицкий бундай асарларни тўплаб, Қорақалпоғистон санъат музейига асос солган эди.*

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида "Замон ва макон оралиғидаги авангард" деб номланган музей тўпламларидан иборат кўргазма очилди. Унда XX аср Туркистон ва рус авангарди вакилларининг 126 та асари тақдим қилинган. Кўргазма 18 февралгача давом этади.

### Кексалар меҳр ва эътибор оғушида

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари "Ҳамма меҳр ва эътиборда" шиори остида уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида хайрия тадбири ўтказди. Унда ёшлар куй-қўшиқлари билан кексалар кўнглини шод этишди.*

*Ўзбекистон Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси Тошкент шаҳар бўлинмаси томонидан уюштирилган тадбир доирасида ҳомийлар томонидан муассасада истиқомат қилаётган кексаларга совға-саломлар ҳам улашилди.*

**Ш. БЎТАЕВ тайёрлади.**

# «ТЕМУРБЕКЛАР МАКТАБИ» ЎҚУВЧИЛАРИ ХАЛҚАРО ФАН ОЛИМПИАДАСИДА ҚАТНАШАДИ




*Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги "Темурбеклар мактаби" ўқувчилари илк бор МДҲ мамлакатлари ҳарбий академик лицейлари жамоалари ўртасида физика ва математика фанлари бўйича ўтказиладиган халқаро олимпиадада иштирок этади. Билимлар беллашуви жорий йилнинг 19 — 23 март кунлари Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтади.*

### Имконият

Вазирлик матбуот хизматидан маълум қилишларича, олимпиадада қатнашиш учун Фарғона, Самарқанд ҳамда Хоразмдаги "Темурбеклар мактаби" ўқувчилари ўртасида аниқ фанлар бўйича икки босқичли тайёргарлик ташкил этилди. Хусусан, дастлабки босқич синовлари жорий йилнинг 19 январь кунига қадар ҳарбий академик лицейларда, иккинчи босқич эса 22-23 январь кунлари Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти базасида ўтказилди.

Беллашувнинг иккинчи босқичида ҳарбий академик лицей ўқувчиларининг билими Мудофаа вазирлиги Ҳарбий кадрларни тайёрлаш бошқармаси ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларининг табиий фанлар кафедраси ўқитувчилари томонидан тайёрланган саволлар орқали синаб кўрилди.

Ғолиблар халқаро фан олимпиадасига йўлланмани қўлга киритди. Уларга Мудофаа вазирлиги томонидан диплом ва эсдалик совғалар топширилди.



**Шавкат ОРТИҚОВ.**

ЭЪЛОНЛАР

**«INTILISH» nodavlat notijorat tashkiloti**
**Axborot-ta'lim markazi**

**sil kasalligi bo'yicha TBGF loyihasini amalga oshirish uchun O'zbekiston Respublikasining quyidagi hududlariga mazkur lavozimlarga ishga qabul e'lon qiladi:**

**Toshkent shahri:**
1. Loyiha boshqaruvchisi — 1o'rin
2. Loyiha koordinatori —1 o'rin
3. Monitoring va baholash bo'yicha mutaxassis — 1 o'rin
4. Ijtimoiy xodim — 2 o'rin
5. Huquqshunos — 1 o'rin
6. Ruhshunos — 1 o'rin

**Toshkent viloyati:**
1. Loyiha boshqaruvchisi — 1 o'rin
2. Loyiha koordinatori — 1 o'rin
3. Monitoring va baholash bo'yicha mutaxassis — 1 o'rin
4. Ijtimoiy xodim — 2 o'rin
5. Huquqshunos — 1 o'rin
6. Ruhshunos — 1 o'rin

**Buxoro viloyati:**
1. Loyiha boshqaruvchisi — 1 o'rin
2. Loyiha koordinatori — 1 o'rin
3. Monitoring va baholash bo'yicha mutaxassis — 1 o'rin
4. Ijtimoiy xodim — 2 o'rin
5. Huquqshunos — 1 o'rin
6. Ruhshunos — 1 o'rin

***Manfaatdor shaxslar intilish.uz saytidagi «nomzodlik haqidagi talabnomani» to'ldirishlari mumkin.***
***Talabnomalarni 2019-yilning 31-yanvarigacha to'ldirish mumkin.***

94R/66

**Фарғона вилояти бўйича газ таъминоти**

**ҳудудий филиали иш фаолиятида зарур бўлган қуйидаги маҳсулотлар ва хизмат кўрсатишлар бўйича танлов эълон қилади.**

- Канцелярия моллари;
- Оргтехника жиҳозлари;
- Хўжалик моллари;
- Қурилиш учун асбоб-ускуналар;
- Алоқа тизимларига хизмат кўрсатиш учун асбоб-ускуналар жамланмаси;
- Ёқилғи сиғимлари (ёмкость);
- Турли рангларадаги мойли бўёқлар;
- Ишлаб чиқариш жараёнида зарур бўлган материаллар ва бутловчи қисмлар;
- «Kasperskiy Total Security для бизнеса» антивирус дастурининг калити;
- Техник қурилмаларни техник кўрикдан ва синовдан ўтказиш хизмати;
- Типография хизмати;
- Компьютер техникаларини таъмирлаш ва картриджларни заправка қилиш хизмати;
- Электр ускуналарни ҳимоявий ерга туташтириш хизмати;
- Бино иншоотларни таъмирлаш хизмати;
- Лойиҳа-пеш ҳисоб ҳужжатлари ва экспертиза хулосалари тайёрлаш хизмати;
- Енгил ва юк ташувчи (махсус) автомобилларга сервис хизмати.

Юқоридаги фаолият тури билан шуғулланувчи, махсус лицензия ва гувоҳномага эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлардан эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 иш куни давомида тижорат таклифлари қабул қилинади.

**Мурожаат учун: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 76-уй, «Фарғонагаз» филиали маъмурияти.**
**Телефон: 73-229-04-36.**

90J/40

aqua THERM
TASHKENT
www.aquatherm-tashkent.uz
27 | 28 | 1 март
февраль | 2019
ТОШКЕНТ, ЎЗЭКСПОМАРКАЗ
Иситиш, ҳавони алмаштириш ва сув таъминоти
8-халқаро кўргазмаси
Ташкилотчи:
Reed Exhibitions Messe Wien
ITECA Exhibitions
Дастлабки икки кун фақат тармоқ мутахассислари таклиф этилади!
ONLINE РЎЙХАТДАН ЎТИНГ
71 205 18 18
Guvohnoma № 3583
88J/770

# «Ўзбеккино» Миллий агентлиги

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги «Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3176-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 июлдаги «Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан 2019 йилда 20 та бадиий, 50 қисмли ҳужжатли, 30 та мультипликацион, 10 соатли қисқа метражли фильмлар ва юмористик киножурнал ишлаб чиқаришни режалаштирган. Ушбу режа бўйича Агентлик иқтисодиёт, сиёсат, маданият, санъат, фан, таълим ҳамда ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида амалга оширилаётган янгиланишлар, шунингдек, аҳолининг реал эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, давлат ижтимоий гранти асосида миллий фильмлар ишлаб чиқариш учун устувор мавзулар рўйхатини эълон қилади.**

## Бадиий, бадиий-публицистик фильмлар учун

### Устувор мавзулар

1. Милоддан аввалги V асрда яшаган миллий қаҳрамон **Широқ**нинг Форс империясининг подшоҳи Доро бошчилигида она юртимизга бостириб келган босқинчиларни ҳалокатга етказган қаҳрамонлиги ҳақида.
2. Ислом оламида Қуръони каримдан кейин энг мўътабар манба ҳисобланган саҳиҳ ҳадислар тўпламини тузган буюк ватандошимиз **Имом Абу Исмоил Муҳаммад Бухорий** (810 — 870)нинг илм йўлида чеккан машаққатлари, ёшларга ибрат бўладиган ҳаёт йўли, илмий-диний мероси, улуғ алломанинг абадияти ҳақида.
3. Буюк саркарда ва фотиҳ жаҳонгир, Темурийлар давлатининг асосчиси **соҳибқирон Амир Темур** (1336 — 1405)нинг ҳаёт йўли, халқни мўғул истибдодидан озод қилиш йўлидаги фидойиликлари, шахсияти ва қаҳрамонликлари ҳақида.
4. Ҳиндистонда буюк салтанатга асос солган темурийзода шоҳ ва шоир **Заҳириддин Муҳаммад Бобур** (1483 — 1530)нинг биографик асари — «Бобурнома» ҳамда ўзбек ва жаҳон ёзувчиларининг у ҳақда ёзган бадиий асарлари ҳамда бошқа тарихий манбалар асосида яратилиши мўлжалланган фильм.
5. **Алишер Навоий**нинг «Ҳайрат ул-аброр» достонида келтирилган ҳикоятлар ҳамда шоирнинг ҳаётига оид биографик маълумотлар асосида бадиий-публицистик фильм.
6. Ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намояндаси, халқ орасида «Бобо Машраб», «Девонаи Машраб» номи билан шуҳрат топган, авлиёсифат дарвеш ва шоир **Бобораҳим Машраб** (1657 — 1711)нинг афсоналарга сабаб бўлган ҳаёт йўли ва маслаги ҳақида.
7. Таваллудининг 160 йиллиги нишонланадиган маърифатпарвар шоир **Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат** (1859 — 1909)нинг Ватандан айро тушган йилларидаги фожиаларга тўла ва айни дамда ибратли қисмати, шунингдек, Қўқон адабий муҳитининг бошқа намояндалари (Муқимий, Завқий, Дилшоди Барно ва бошқалар) ҳақида.
8. Асарлари асосида суратга олинган бадиий фильмлар ўзбек киносининг олтин фондидан жой олган **Абдулла Қодирий** таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан буюк адибимизнинг фожиалар ва ибратларга тўла ҳаёти ҳақида.
9. XX аср ўзбек маданий ҳаётида чуқур из қолдирган ёзувчи ва шоир, академик **Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек**нинг шахсияти, ҳаёт йўли ҳамда биринчи ўзбек кимёгар олимаси Зарифа Саидносировага бўлган пок муҳаббати ҳақида.
10. Қорақалпоқ халқ эпоси — **«Қырқ қыз» (Қирқ қиз)** достонининг асосий қаҳрамони саркарда Гулойим қирқ қиз ва халқ билан биргаликда Эрон подшоҳи Нодиршоҳ ҳамда қалмоқ хони Суртойга қарши жанг қилиб, мардлик ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатгани ҳақида.
11. Ўқитувчининг жамиятдаги ўрни, машаққатли меҳнати, унинг обрў-эътиборини юксалтиришга қаратилган бадиий фильм.
12. Халқаро мусобақаларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, юксак марраларга эришаётган спортчиларимизнинг матонати ва ибратга сазовор хислатлари ҳақида.
13. Жамият ривожига ҳамиша тўсиқ бўлган иллат — порахўрлик ҳамда унинг салбий оқибатларини фош қилувчи фильм.
14. Ҳуқуқ-тартибот, хавфсизлик ва адлия органлари ходимларининг кучли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришда қонун устуворлигини таъминлаш йўлидаги фаолиятини ёритувчи фильм.
15. Ўзбек оиласидаги ўзига хос қадриятлар, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муаммолар, ёш оилаларда тез-тез учраб турадиган келишмовчиликларнинг сабаб ва оқибатлари тўғрисида ҳикоя қилувчи фильм.
16. Ўзбекистондаги турли миллат ва элатларнинг ўзаро тотувликда яшаётган вакилларининг ҳаёти ва фаолияти, кўп миллатли жамиятда тил масаласи, она тилига муносабат, тил ва жамият каби масалалар ҳақида.
17. Ўзбек санъати ва маданиятининг ривожи ҳамда оламга танилиши учун ўз умрини бағишлаган маданият ва санъат ходимлари ҳақида.
18. Қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилиб, аҳолининг фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган фермер замондошларимиз ҳақида.
19. Ишсизлик оқибатида бошқа юртларга иш қидириб борган юртдошларимизнинг аччиқ қисмати ҳақида.
20. Лавозимидан ноҳақ бўшатилган амалдорнинг жамиятда ўз ўрнини қайта тиклаши йўлидаги можаролар ҳақида.
21. Мамлакатимизнинг электр энергияси мустақиллигига эришиши йўлида қурилаётган ГЭСлар бунёдкорлари ҳақида.
22. Болалар ва ўспиринларнинг жўшқин ва беғубор оламини ёритиб берувчи бадиий фильм.
23. Эл соғлиғи йўлида фидойиларча хизмат қилаётган тиббиёт ходимлари ҳамда уларнинг пок номига доғ тушираётган айрим номуносиб кимсалар ҳақида.
24. Миллий кураш паҳлавонлари ва кураш фалсафасининг моҳиятини очиб берувчи бадиий фильм.
25. Ватанимиз ҳимоясида кечаю кундуз кўксини қалқон қилиб турган ҳарбийларнинг ҳаёти ҳақида.
26. Республикамизни катта қурилиш майдонига айлантирган бунёдкор қурувчиларнинг ҳаёти ҳақида.
27. Халқаро ҳамкорлик доирасида туризм салоҳиятини юксалтириш учун чет эл кино ижодкорлари билан биргаликда бадиий фильм яратиш.

## Ҳужжатли фильмлар учун

| № | Фильм номи | Қисқача мазмуни |
|---|---|---|
| | | **«Ватан равнақи» рукни** |
| 1. | **«Тиббиётдаги ислоҳотлар»** | Мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масаласи диққат марказида турган энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Фильмда бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган биринчи тиббий ёрдам ва бу соҳадаги ислоҳотлар ҳақида сўз боради. |
| 2. | **«Орол — дардим менинг»** | Ушбу фильм Орол денгизи минтақасидаги бугунги аҳвол ва унинг экологик зарарини камайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилади. Орол ҳалокатининг жаҳон ҳамжамияти томонидан ўрганилиши, БМТ миқёсида белгиланаётган тадбирлар хусусида сўз боради. |
| 3. | **«Юксак овозли бахши»** | Қорақалпоғистонлик машҳур бахши Амет Тарийховнинг ҳаёти ва ижоди орқали фильмда ўлканинг бахшичилик санъати ҳақида ҳикоя қилинади. |
| 4. | **«Кўҳна Ховос»** | Сирдарё вилоятида жойлашган "Кўҳна Ховос" ҳудудининг туризм салоҳияти ҳақида. |
| 5. | **«Бахтиёр Назаров»** | Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Ўзбекистон Бадиий академиясининг аъзоси, кино ва театр рассоми Назаров Бахтиёр Муҳаммаджановичнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритилади. |
| 6. | **«Самарқанд — Шарқ цивилизация гавҳари»** | Самарқанд азал-азалдан Шарқ гавҳари сифатида бутун дунёга машҳур шаҳардир. Фильмда шаҳарнинг айнан Шарқ цивилизациясидаги ўрни ҳақида ҳикоя қилинади. |
| | | **«Халқ фаровонлиги» рукни** |
| 7. | **«Эркин иқтисодий зоналар»** | Бугунги кунда юртимизнинг турли ҳудудида Президентимиз ташаббуси билан кўплаб эркин иқтисодий зоналар ташкил этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга, аҳоли учун кўплаб иш ўринлари яратилишига замин бўлмоқда. Фильм ЭИЗларнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги аҳамияти ҳақида. |
| 8. | **«Темир йўллар»** | Ўзбекистон темир йўллари мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири бўлиб, сўнгги йилларда бу соҳада жуда катта ўзгаришлар, янги-янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. |
| 9. | **«Ўзбекистон Қаҳрамони» рукни остида фильм** | «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан мукофотланган Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори Равшанбек Қурбонов ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. |
| | | **«Юрт тинчлиги» рукни** |
| 10. | **«Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган ҳиссаси»** | Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон уруши даврида фронтда ва фронт ортида кечган оғир ва машаққатли ҳаёти, фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган улкан ҳиссасини ўзида ҳар томонлама акс эттирадиган яхлит илмий-тарихий фильм. |
| 11. | **«Оила»** | Оиланинг жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, маънавий-ахлоқий қадриятларга, ота-она ва кекса авлод вакилларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, оилалар мустаҳкамлиги ҳақида ҳикоя қилувчи фильм. |
| 12. | **«Маърифатпарварлар»** | Бухоролик маърифатпарвар Мусо Саиджоновнинг тақдири ва фаолияти ҳақида сўз юритилади. |
| 13. | **«Муҳофаза»** | Ёшларни ёт ғояларга қарши тарбиялашга бағишланадиган, хавфсизлик хизмати ходимларининг фаолиятига доир фильм. |
| | | **«Миллатлараро тотувлик» рукни** |
| 14. | **«Қардош қўшнилар»** | Ушбу фильмда ўзбек халқининг қардош қўшнилари бўлган қирғиз, қозоқ, тожик, туркман ва бошқа халқлар билан ўзаро дўстона муносабатлари борасида сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар мисолида сўз юритилади. |
| 15. | **«Имяр Мансуров»** | Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ранг тасвирчи рассом Имяр Идрисович Мансуров ҳаёти ва ижодий қирралари ҳақида сўз юритилади. |
| | | **«Диний бағрикенглик» рукни** |
| 16. | **«Ҳадис илмининг султони»** | Буюк ҳадисшунос олим Имом Бухорий ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи фильм. |
| 17. | **«Экстремизм ва терроризмга қарши курашиш»** | Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида турли зарарли иллатлар ҳақидаги фильм. |
| 18. | **«Яссавий ва Сузук ота»** | Яссавия тариқатининг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг суюкли набираси Сузук ота (Мустафоқул) ҳазратнинг Тошкент шаҳрининг кўҳна бир маҳалласидаги мақбараси муқаддас зиёратгоҳга айлантирилиши ва бошқа тарихий маълумотларга асосланган фильм. |
| | | **«Комил инсон» рукни** |
| 19. | **«Мактабгача таълим»** | Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимида жиддий ислоҳотлар олиб борилаётгани, хусусан, алоҳида мустақил вазирлик ташкил этилгани ва соҳадаги бошқа улкан ўзгаришлар фильмда акс эттирилади. |
| 20. | **«Ал-Фарғоний»** | Ўрта асрларда яшаган Марказий осиёлик олимлар орасида буюк астроном, математик ва географ ал-Фарғоний салмоқли ўрин эгаллайди. Олимнинг тўлиқ исми Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғонийдир. Фарғонийнинг номи Хоразмий каби бутун Шарқ ва Ғарбда машҳурдир. Фильм Ўрта асрда табиий-илмий билимларнинг ривожига улкан ҳисса қўшган олимнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида. |
| 21. | **«Хоразм истеъдодлари»** | Ўзбекистон Миллий университетининг математика факультети талабаси, Хоразм фарзанди Ҳакимбой Эгамберганов истеъдодли йигитларимиздан. У қаторасига уч йил — 2014, 2015, 2016 йилларда математика бўйича чет мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро фан олимпиадаларида олтин медални қўлга киритган. Бундай ёшлар тимсолида биз Хоразмий бобомизнинг ҳақиқий набираларини кўрамиз. Шундай билимли, баркамол, Ватанга садоқатли фарзандларимиз қанча кўпайса, Ўзбекистоннинг келажаги шунчалик буюк бўлиши муқаррарлиги фильмда акс этади. |
| 22. | **«Устозликда топдим қадримни»** | 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами муносабати билан ўтказилган тадбирларда «Йил ўқитувчиси» танловларида ғолиб бўлган устозлар мисолида педагоглар ҳақида фильм яратиш. |
| 23. | **«Спортчи»** | Мамлакатимиз нуфузини турли халқаро спорт мусобақаларида юқори даражага кўтариб келаётган иқтидорли спортчиларимиз ҳаёти ва натижалари сири ҳақида фильм. |
| 24. | **«Чангий»** | Мусиқа олими, ҳофиз, созанда Дарвеш Али Чангий ҳаёти ва ижоди ҳақида. |
| 25. | **«Имомжон Икромов»** | «Муножот», «Чўли ироқ», «Ажам» каби чолғу куйларининг ашула йўлларини яратган атоқли бастакор, созанда Имомжон Икромовнинг ҳаёти, фаолияти ёритилади. |
| 26. | **«Имкон беринг»** | Жазони ижро этиш колонияларида ўзининг жазо муддатини ўтаётган вояга етмаган ёшларнинг пушаймонликлари ва ҳаётга қарашлари ҳақида. |
| 27. | **«Санъат Девонов»** | Фильмда театр ва кино актёри Санъат Девоновнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилинади. |
| 28. | **«Жаҳон чемпиони — Сансизбой»** | Фильм Нукуснинг Ақманғит қишлоғида туғилиб ўсган спортчи Сансизбой Юсуповнинг курашнинг самбо тури бўйича қўлга киритган ютуқлари тўғрисида ҳикоя қилинади. |
| 29. | **«Эл фарзанди»** | Қорақалпоғистон Республикаси давлат ва жамоат арбоби, халқимизнинг суюкли фарзанди бўлган Ражапбай Йўлдашев фидокорона фаолияти ҳақида сўз юритилади. |
| 30. | **«Озод Шарафиддинов»** | Адабиётшунос олим, танқидчи, Ўзбекистон Қаҳрамони Шарафиддинов Озод Обидович таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган фильм. |
| | | **«Ижтимоий ҳамкорлик» рукни** |
| 31. | **«Мангу ёш театр»** | Қорақалпоғистондаги профессионал бадиий санъат масканларидан бири — Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театридир. Фильмда ушбу театрнинг тарихи ва бугуни ҳақида ҳикоя қилинади. |
| 32. | **«Сув — ҳаёт манбаи!»** | Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда сув ҳавзаларини ифлослантирмаслик ҳақида ҳикоя қилинади. |
| 33. | **«ОИТВга қарши курашиш»** | «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3493-ПҚ-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланади. |
| 34. | **«Ўзбек миллий гиламлари тарихи»** | Мазкур фильмда ўзбек миллий гиламларининг юртимизда ривожланиш тарихи ва бугунги тараққиёти ҳақида ҳикоя қилинади. |
| 35. | **«Ватан бўйлаб саёҳат»** | Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий ислоҳотлар жараёни, шунингдек, туризм салоҳиятини намойиш этиш ҳамда тарғиб этиш, мамлакатнинг туристик салоҳиятини юксалтиришга қаратилган, республиканинг ҳар бир вилоятига бағишланган туркум ҳужжатли фильмлар яратиш мўлжалланган. |
| 36. | **«Ўзбек цирки»** | Фильмда Тошкент цирки тарихи ва бугунги фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. |
| 37. | **«Худойберган Девонов»** | Биринчи ўзбек фотографи ва кинооператори Худойберган Девонов таваллудининг 140 йиллигига бағишланган фильм. |

95R/69

# «Ўзбеккино» Миллий агентлиги

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги «Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3176-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 июлдаги «Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан 2019 йилда 20 та бадиий, 50 қисмли ҳужжатли, 30 та мультипликацион, 10 соатли қисқа метражли фильмлар ва юмористик киножурнал ишлаб чиқаришни режалаштирган. Ушбу режа бўйича Агентлик иқтисодиёт, сиёсат, маданият, санъат, фан, таълим ҳамда ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида амалга оширилаётган янгиланишлар, шунингдек, аҳолининг реал эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, давлат ижтимоий гранти асосида миллий фильмлар ишлаб чиқариш учун ижодий танлов эълон қилади.**

## ИЖОДИЙ ТАНЛОВ ТАРТИБИ

Кинолойиҳаларнинг мавзуси «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг 2019 йил иш режаси учун эълон қилган устувор мавзуларга мос келиши шарт.

Мазкур танловда иштирок этишни хоҳловчи талабгорлар танлов комиссияси йиғилишида кинолойиҳани тақдимот шаклида ҳимоя қилишади.

Тақдимотда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади.

**1. Тўлиқ метражли бадиий фильмлар учун:**

белгиланган шакл бўйича танловда иштирок этиш учун ариза;
адабий сценарийнинг босма варианти ҳамда электрон варианти;
фильм аннотациясининг босма ҳамда электрон варианти;
фильм ишлаб чиқариш учун сарфланадиган маблағнинг дастлабки ҳисоб-китоби;
фильмни ишлаб чиқариш бўйича дастлабки календарь-саҳналаштириш режаси;
суратга олиш учун режалаштирилган жойлар ва объектлар (локация);
фильм декорацияси ва либослари эскизлари;
кинолойиҳанинг Power Point дастурида тайёрланган тақдимоти (DVD дискда).

**Тақдимотда қуйидагилар акс эттирилган бўлиши талаб қилинади:**

фильмнинг концептуал ғоясини тасвирий ифода этувчи постер;
танланган ижодий-техник гуруҳ таркиби ва улар ҳақида қисқача маълумот;
фильмнинг асосий персонажлари роллари учун тахминий мўлжалдаги актёрлар ва улар ҳақида қисқача маълумот;
кинолойиҳанинг техник-иқтисодий асослари.

Кинолойиҳа ижодкорлари томонидан қўшимча маълумотлар (синопсис, фотоальбом, фильмнинг тижорат самарадорлиги, халқаро доирадаги таклифлар ва ҳ.к.) тақдим этилишига ижозат берилади.

**2. Қисқа метражли бадиий фильмлар учун:**

белгиланган шакл бўйича танловда иштирок этиш учун ариза;
адабий сценарийнинг босма варианти ҳамда электрон варианти;
фильм аннотациясининг босма ҳамда электрон варианти;
фильм ишлаб чиқариш учун сарф-харажатларнинг тахминий калькуляцияси;
суратга олиш учун режалаштирилган жойлар ва объектлар;
кинолойиҳанинг Power Point дастурида тайёрланган тақдимоти (DVD дискда).

**Тақдимотда қуйидагилар акс эттирилган бўлиши шарт:**

фильм ғоясини тасвирий ифода этувчи постер;
танланган ижодий-техник гуруҳ таркиби ва улар ҳақида қисқача маълумот;
фильмнинг асосий персонажлари роллари учун мўлжалдаги актёрлар ва улар ҳақида қисқача маълумот;
фильм декорацияси ва либосларининг эскизлари (зарурат бўлганда);
кинолойиҳанинг техник-иқтисодий асослари.

**3. Ҳужжатли фильмлар учун:**

белгиланган шакл бўйича танловда иштирок этиш учун ариза;
адабий сценарийнинг босма варианти ҳамда электрон варианти;
фильм аннотациясининг босма ҳамда электрон варианти;
танланган ижодий-техник гуруҳ таркиби ва улар ҳақида қисқача маълумот;
фильм декорацияси ва либослари эскизлари (зарурат бўлганда);
кинолойиҳанинг техник-иқтисодий асослари.

**4. Анимацион (мультипликацион) фильмлар учун:**

белгиланган шакл бўйича танловда иштирок этиш учун ариза;
адабий сценарийнинг босма варианти ҳамда электрон варианти;
танланган ижодий-техник гуруҳ таркиби ва улар ҳақида қисқача маълумот;
мультфильм асосий персонажларининг эскизлари;
кинолойиҳанинг техник-иқтисодий асослари.

Тақдим этилган кинолойиҳалар Агентлик бадиий кенгаши низоми талаблари асосида кўриб чиқилади ва кенгаш йиғилишларида тақдимот тарзида ўтказилади.

**5.** Ариза берувчилар фильм ишлаб чиқаришни зиммасига олган юридик шахслар фаолиятига оид қуйидаги ҳужжатларни тақдим қиладилар:

Охирги ҳисобот санаси учун бухгалтерия балансининг тасдиқланган нусхаси;
ҳисобот даври учун молиявий натижалар тўғрисидаги маълумотнома;
солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
ҳомийлар ва инвесторлар (сармоядор) билан тузилган шартнома нусхаси ёки инвесторнинг кафолат хати (ариза берувчилар томонидан қисман молиялаштириладиган лойиҳалар бўйича);
ариза берувчиларининг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат (вакил иштирок этган ҳолатларда).

Ариза берувчилар танловда иштирок этиш учун тақдим қилинадиган материалларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкий ҳуқуқларга эга бўлишлари шарт.

Материаллар давлат тилида, ўзбек тили имло қоидаларига амал қилган ҳолда тайёрланади.

Адабий сценарий А4 форматдаги, варақнинг бир тарафига ёзилган қоғозда тақдим қилинади. Матн ёзишда қоида тариқасида, Microsoft Word редакторидан ва қуйидаги параметрлардан фойдаланилади:

варақнинг чап ҳошияси 30 мм, ўнг ҳошияси 15 мм, юқори ва паст ҳошияси 20 мм;
Times New Roman шрифти ва сценарийнинг ҳажмидан келиб чиқиб 14, 15 ўлчамли шрифт, қаторлараро интервал 0 мм (одинарный).

Тақдим қилинган сценарийнинг ҳар бир нусхаси тикилган, варақлари рақамланган бўлиши ва муаллифнинг имзоси ҳамда ариза берувчининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт. Электрон кўринишдаги адабий сценарий рақамли электрон ташувчи воситаларда тақдим қилиниши мумкин.

Ариза берувчилар томонидан материаллар «Ўзбеккино» Миллий агентлиги бадиий кенгашига» белгиси билан Агентликка юборилади.

Танловга юбориладиган бадиий, бадиий-публицистик ва ҳужжатли фильм сценарийларида қуйидаги ғоялар ишонарли ва юқори бадиий савияда акс эттирилиши лозим:

— юртимизда мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, ижтимоий-маърифий жабҳаларда рўй бераётган улуғвор ўзгаришлар;

— миллатимизга хос эзгу фазилатлар, шунингдек, чуқур тарихий илдизларга эга бўлган қадриятларимиз улуғворлиги;

— ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишлари, маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондиришлари, ватанпарварлик ва халқпарварлик тушунчаларини, умумбашарий ва миллий қадриятлар мазмун-моҳиятини теран англаб етиши учун хизмат қиладиган ибратли ҳаётий сабоқлар;

— азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оиланинг ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини эканлиги;

— ўзбек халқига хос бўлган кексаларни эъзозлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш сингари эзгу қадриятлар, шунингдек, нуроний отахон ва онахонларнинг ибратли ҳаёти акс эттирилган бўлиши;

— она Ватан ва халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўйган, адолат ва эзгуликни мардона ҳимоя қилаётган, ёвузлик ва хиёнатга муросасиз, эътиқоди мустаҳкам, қатъиятли ва ғурури баланд замондошларимиз образи ўз ифодасини топиши лозим.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, асосий фаолият тури кино ва аудиовизуал асарлар яратишга ихтисослашган юридик субъектлар танловда қатнашиш ҳуқуқига эга. Жисмоний шахсларнинг танловда қатнашишига йўл қўйилмайди ва уларнинг таклифлари кўриб чиқилмайди.

Танлов бўйича ҳужжатлар фақат давлат тилида расмийлаштирилиб, 2019 йилнинг 29 март куни соат 18-00 гача қабул қилинади.

Муваффақиятли тақдимот қилиниб, ижобий баҳо олган кинолойиҳалар Агентлик бадиий кенгаши қарори билан фильм ишлаб чиқаришга туширилади.

Танловга тақдим этилган сценарий тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

**Қўшимча маълумот учун телефонлар: 71-277-81-49, 71-277-81-05.**
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси 1«А» уй. Индекс: 100115. www.uzbekkino.uz**

96R/69

# «Ўзбеккино» Миллий агентлиги

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-4038-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижроси ҳамда миллий кинематография ва мультипликацияни ривожлантириш учун**

## *Миллий мультқаҳрамонлар образини яратиш бўйича Ижодий танлов эълон қилади*

Танлов миллий қаҳрамонларимиз ҳамда ўзбек болажонларининг бугунги беғубор ҳаётини ифодалаб берувчи образлари асосида жаҳон андозаларига мос мультипликацион фильм яратиш мақсадида тузилади.

Танловда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, анимацион фильм олиш тажрибасига эга бўлган юридик шахслар қатнашиши мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:**

белгиланган шакл бўйича танловда иштирок этиш учун ариза;
адабий сценарийнинг босма варианти ҳамда электрон варианти;
танланган ижодий-техник гуруҳ таркиби ва улар ҳақида қисқача маълумот;
мультфильм асосий персонажларининг эскизлари;
кинолойиҳанинг техник-иқтисодий асослари.

Тақдим этилган кинолойиҳалар «Ўзбеккино» Миллий агентлиги бадиий кенгаши низоми талаблари асосида кўриб чиқилади ва кенгаш йиғилишларида тақдимот тарзида ўтказилади.

Ариза берувчилар танловда иштирок этиш учун тақдим қилинадиган материалларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкий ҳуқуқларга эга бўлишлари шарт.

Материаллар давлат тилида, ўзбек тили имло қоидаларига амал қилган ҳолда тайёрланади.

Тақдим қилинган сценарийнинг ҳар бир нусхаси тикилган, варақлари рақамланган бўлиши ва муаллифнинг имзоси ва ариза берувчининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт. Электрон кўринишдаги адабий сценарий рақамли электрон ташувчи воситаларда тақдим қилиниши мумкин.

Ариза берувчилар томонидан материаллар «Ўзбеккино» Миллий агентлиги бадиий кенгашига» белгиси билан Агентликка юборилади.

Танлов бўйича ҳужжатлар фақат давлат тилида расмийлаштирилиб, 2019 йилнинг 29 март куни соат 18-00 гача қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган сценарий тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

**Қўшимча маълумот учун телефонлар: 71-277-81-49, 71-277-81-05.**
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси 1-«А» уй. Индекс.: 100115. www.uzbekkino.uz**

97R/69

# Германия жамоатчилиги:
# «ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ УЧРАШУВИМИЗ ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЖУДА КАТТА ИШОНЧ УЙҒОТДИ»

**Матиас ДОРНФЕЛЬД, сиёсатчи ва эксперт:**



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Германия Федератив Республикасига ташрифи, ҳақиқатан ҳам, муҳим тарихий воқеа бўлди. Бу, аввало, Ўзбекистоннинг мамлакатимиз билан муносабатларини мустаҳкамлаш истаги юқорилигини англатади. Фикримча, Германия — Ўзбекистон алоқалари айни пайтда янги босқичда изчил ривожланмоқда.

Бугун мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш учун кенг имкониятлар очиляпти. Булар орасида минтақавий халқаро хавфсизликни таъминлашдаги саъй-ҳаракатларни алоҳида эътироф этиш зарур. Ўзбекистон Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда ўтган йили март ойида Тошкентда Афғонистон бўйича халқаро анжуман ташкил этилгани, унда минтақа ва бошқа мамлакатларнинг вазирлари қатнашганини эслаб ўтиш жоиз. Бу жуда ёрқин ташаббус эди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон қўшни давлатлар билан ҳам яхши муносабатлар ўрнатиш ташаббуси билан чиқди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсати туфайли Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Бу Европа Иттифоқининг Марказий Осиё стратегиясининг муҳим жиҳати бўлди. Германия Ташқи ишлар вазирлиги ташаббуси билан Марказий Осиё давлатларининг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги ҳамкорлиги ҳам долзарбдир.

Бугун биз аниқ тараққиётни кўряпмиз. Ўзбекистон қўшнилари — Тожикистон ва Қирғизистон билан яхши муносабатлар ўрнатди. Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон Президентлари ўртасида қатор самарали учрашувлар бўлиб ўтди. Бу эса катта муваффақият экани билан бирга, қисқа вақт оралиғида содир бўлган улкан ютуқ ҳамдир.

**Экфорт ФРАНЦ, Германия иқтисодиёт ва энергетика вазири ўринбосари:**



— Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий янгиланишлар менда катта таассурот қолдирди. Давлатингиз раҳбари томонидан жадал иқтисодий ислоҳотлар ўтказилаётгани туфайли ҳамкорлик учун кенг имкониятлар очилмоқда. Германиялик тадбиркорлар мамлакатингиз билан савдо алоқаларини ривожлантириш, инвестиция киритиш ва бизнес юритишга катта қизиқиш билдиряпти. Ўзбекистон — Германия ҳукуматлараро ишчи гуруҳи мажлисида иштирок этиш асносида ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан иқтисодий соҳалардаги шерикликнинг устувор йўналишларини таҳлил қилдик. Шуни мамнуният билан қайд этишни истардимки, мазкур йўналишдаги ҳамкорлик учун мамлакатларимизда салоҳият юқори. Юртингиз дунё ҳамжамияти учун тобора очилиб бораётгани унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириб, ўзаро ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратмоқда.

**Юрген РИГТЕРИНГ, Европа тикланиш ва тараққиёт банки вице-президенти:**



— Ўзбекистондаги фаолиятимиз 2016 йилдан бошлаб изчил ривожланмоқда. Сўнгги 18 ой мобайнида 16 та лойиҳани рўёбга чиқаришга оид ҳужжатлар имзоладик. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи доирасида газ соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган шартнома туздик. Келгусида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда хусусий сектордаги фаолиятимизни янада ривожлантириш ниятидамиз.

## Ўзбекистон — Германия: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

**Президентимизнинг Германия Федератив Республикасига расмий ташрифи арафасида ўтказилган бизнес форумида**

**8 МИЛЛИАРД ЕВРОдан зиёд** қийматидаги янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.



Шунингдек, ташриф доирасида ҳукуматлараро ва идоралараро **9 ТА ҲУЖЖАТ имзоланди.**

Булар: **иқтисодиёт, таълим, савдо, илм-фан, молия, инновация** соҳаларига оиддир.

**Манфред ГРУНДКЕ, Германия — Ўзбекистон Ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси, "Knauf Gips KG" компанияси ижрочи директори:**



— "Knauf" 2006 йилда Ўзбекистон бозорига кириб борган. 2017-2018 йилларда эса биз ўз инвестицияларимиз ҳажмини оширдик. Бунинг сабаби юртингизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва валюта конвертациясини эркинлаштириш йўлидаги чора-тадбирлар билан боғлиқдир. Қолаверса, сўнгги йилларда мамлакатингизда бошқа соҳаларда ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга яққол ташланяпти.

Биз яқин икки йил ичида Фарғона водийсида янги ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини йўлга қўйишни мақсад қилганмиз. Президент Шавкат Мирзиёев биз билан учрашув чоғида Ўзбекистонда бошланган ислоҳотлар жуда жиддий ва ортга ҳеч қандай йўл йўқ эканлигини яна бир бор таъкидлади ҳамда германиялик ишбилармонларни шунга ишонтира олди. Биз учун муҳим жиҳати шундаки, Ўзбекистон бозоридан немис иқтисодиёти энди ўз ўрнини топа бошлаяпти. Буни ташриф доирасида ўтказилган бизнес форуми якуни бўйича имзоланган келишувлар ҳам ифода этади. Давлатингиз раҳбари уларни амалиётга татбиқ этишнинг аниқ йўлларини кўрсатиб берди.

**Марсель ФАССВАЛЬД, "Thyssenkrupp" компанияси бошқаруви раиси:**

— Ўзбекистон бозори биз учун жуда муҳим. Чунки юртингиз хом ашёга бой мамлакат. Унинг асосида кимё саноатини ривожлантириш имкониятлари кўп.

Компаниямиз Ўзбекистондаги кўплаб қизғин жараёнларда иштирок этишдан манфаатдор. "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти билан битим имзолаганмиз. Унга мувофиқ, полиэстер, поливинилхлорид каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз.



Шавкат Мирзиёев билан учрашувдан сўнг ўзим учун кўп нарса ўргандим. Энг аввало, у кишининг сиёсий иродасидан сабоқ олдим. Мамлакатни ривожлантириш йўлидаги фидойилиги барчага ўрнак бўлади, деб ўйлайман. Мана шундай ёндашув мамлакатни жуда тез тараққий эттиришга ёрдам беради. Президент билан суҳбатда мўлжалимиздаги лойиҳаларни дадил рўёбга чиқариш учун энг муҳим омил — ишончга эга бўлдим. Ўзбекистон ривожига биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшишга тайёрмиз.



**Клаус Петер МЮЛЛЕР, "Commerzbank" кузатув кенгаши раиси:**

— Ўзбекистон Президентининг ташрифи муваффақиятли бўлиб ўтди. Биз, Германия иқтисодиёти вакиллари жуда катта таассуротдамиз. Чунки мамлакатингизда сўнгги икки йилда амалга оширилган ислоҳотлар, ўзгаришлар хусусида сўз юритилди.

Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашиб, шуни англадикки, бу инсон ислоҳотларнинг бардавом бўлишида қатъий қарорга эга ва мамлакатингизни барқарор ривожланган давлатга айлантирмоқчи.

Банкимизнинг асосий вазифаси фақатгина сармоя киритиш эмас, шу билан бирга, корхоналар ўртасидаги алоқаларга кўмак кўрсатишдан иборат. Яъни икки томон ишбилармонларига сармоявий ёрдам бериш. Бошқа жиҳатдан эса ташқи савдони қўллаб-қувватлаш.

Мен Ўзбекистонга 1993 ва 1998 йилларда борганман. Аммо бугунги Ўзбекистонни аввалгиси билан солиштириб бўлмайди. Ҳозир гувоҳи бўлиб турибмизки, мамлакатингиз жуда муваффақиятли ривожланаётган давлатдир.



**Йоахим ДРЕЕС, "MAN" компанияси бошқаруви раиси:**

— Ўн йилдан буён мамлакатингиз билан ҳамкорлик қиляпмиз. Ўзбекистон — жуда катта салоҳиятга эга мамлакат. Давлатингиз раҳбари бошчилигида юртингизда муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва бу жараён бизга ҳамкорлик учун улкан имконият яратади.

Келажакка мўлжалланган қўшма лойиҳаларимиз орасида "Ўзавтосаноат" акциядорлик жамияти билан алоқаларни кенгайтириш бўйича режамиз алоҳида ўрин тутади. Ишончим комилки, кўзда тутилган барча мақсадларимиз, албатта, амалга ошади. Чунки Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзи шахсан биз каби инвесторларни қўллаб-қувватламоқда.

**Фальк ПОРШЕ, "Falk Porcshe Technik" компанияси таъсисчиси:**



— Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайлангандан сўнг Ўзбекистонда сиёсий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ соҳаларида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар немис ишбилармонларига ҳам жуда катта ишонч берди. Сабаби, германиялик тадбиркорлар, мутахассислар юртингиздаги барча жабҳада, жумладан, иқтисодиётда бўлаётган ижобий ўзгаришлар, уларнинг натижаларини сезиб, кўриб турибди. Бунда валюта конвертациясининг эркинлаштирилиши алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда жуда яхши ишбилармонлик муҳити юзага келди. Мен раҳбарлик қилаётган компания кейинги икки йилда 4 та лойиҳани амалга ошириш учун 33 миллион евро инвестиция киритади. Марказий Осиёда ягона ҳисобланадиган шиша қоплама ишлаб чиқариш лойиҳамиз учун 15 миллион евро миқдорида сармоя йўналтирамиз. Навбатдаги лойиҳа эса замонавий енгил қурилиш материали сифатида кенг оммалашаётган газ-бетон тайёрлашни ташкил этишдан иборат. Унинг қиймати ўртача ҳисобда 14 миллион евро, яна бир лойиҳада эса буғ қозонларини тайёрлаш режалаштирилган.

Тошкент шаҳрида Германия — Ўзбекистон тадбиркорлари ўртасида кўприк вазифасини бажарувчи Немис савдо уйини очишни мўлжаллаяпмиз. Шунингдек, қурилиш йўналишига доир бошқа лойиҳалар бўйича ҳам ҳамкорлар билан музокаралар олиб бормоқдамиз. Германия — Ўзбекистон иқтисодий форуми жамоаси номидан айтишим мумкинки, Ўзбекистон раҳбарияти бизни қўллаб-қувватлаб турибди. Бунинг учун эса миннатдорлик билдираман.

**Манфред ГРУНД, Бундестагдаги "Германия — Марказий Осиё" парламент гуруҳи раиси:**



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Германия Федератив Республикасига амалга оширган расмий ташрифи доирасида биз Олий Мажлис Сенати парламентлараро алоқалар ва Германия — Ўзбекистон ҳамкорлигининг бошқа соҳаларига оид муҳим ҳужжатларга имзо чекдик. Бу томонларнинг алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдор эканини кўрсатади. Ўз навбатида, Германия Бундестагининг "Германия — Марказий Осиё" парламент гуруҳи аъзолари Ўзбекистонда ўзаро ташрифлар ташкил этиш, қонун ижодкорлиги, парламентнинг назорат функцияларини такомиллаштириш орқали мамлакатингизда олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга тайёр. Шу нуқтаи назардан биз Президент Шавкат Мирзиёевнинг Германияга ташрифидан мамнунмиз. Ушбу ташриф доирасида Бундестаг раиси билан учрашув ҳам бўлиб ўтди. Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришганидан кейин Ўзбекистон ҳамда Европа Иттифоқи ва Германия билан муносабатларда кўплаб ижобий ўзгаришлар юз берди.

Ишонамизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германия Федератив Республикасига ташрифи давомидаги расмий учрашувлар, жумладан, Бундестаг раҳбарияти билан келишилган Ўзбекистон — Германия парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари келгусида ривожланишнинг янги босқичига туртки беради.

**Клаус МАНГОЛЬД, "Mangold Consulting" компанияси раҳбари:**



— Ўзбекистон, биринчи навбатда, аҳолиси, Марказий Осиёда стратегик жойлашув ўрни, қулай инфратузилмаси, ривожланиш учун юқори истиқболга эгалиги билан барчада қизиқиш уйғотади. Бу ерда жуда катта инсон капитали ҳам мавжуд. Қолаверса, мамлакатингизни ривожлантириш учун Президент Шавкат Мирзиёевда дадил интилиш бор.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон нефть, газ, кимё, қурилиш ва тўқимачилик соҳаларида ҳам улкан иқтисодий салоҳиятга эга. Шу боис Ўзбекистон Европа ва Осиёни боғлашда муҳим ўрин тутади. Бир томондан Россияга, яна бир томондан Хитойга чиқиш учун истиқболли йўл бор.

Ўзбекистон — Германия бизнес форумида қатнашиб, шартномалар имзоладик. Президент Шавкат Мирзиёев билан юзма-юз учрашувимиз эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишда жуда катта ишонч уйғотди. Қолаверса, йирик лойиҳаларни рўёбга чиқаришга қаратилган "Йўл харитаси"ни тузиб олиш, барча жиҳатни муҳокама этиш учун юқори даражали, кафолатли муҳит яратилди. Шу нуқтаи назардан иштирокчилар икки томонлама бизнес ривожини янги босқичга олиб чиқишга тайёрлигини билдирди. Энг асосийси, тез орада мамлакатингизга германиялик ишбилармонлар бориб, Ўзбекистон бозорининг имкониятлари билан яқиндан танишади. Буни биз ўз режамизга киритдик.

**«Халқ сўзи».**

# «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНА БИР ДАДИЛ ҚАДАМИ»

**Давлатимиз раҳбарининг Германияга расмий ташрифи юзасидан дунё матбуотида ёритилган материаллар мавзу ва таҳлилийлик нуқтаи назаридан алоҳида ажралиб турди.**

Жумладан, **"Nau" газетаси**да **(Швейцария)** икки томонлама муносабатларда халқаро хавфсизлик масалалари муҳим ўрин тутаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Журналистлар "Германия ва Ўзбекистон кенг жамоатчиликни Афғонистондаги тинчлик жараёнига чорламоқда" дея таъкидлашган.

Мақолада келтирилишича, томонлар Афғонистонда тинчлик жараёнини тарғиб қилиш ва мамлакатни барқарорлаштиришда фаол бўлади. Ўз навбатида, Германия канцлери Ангела Меркель Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашини айтиб ўтди. "Ўзбекистон билан биргаликда Афғонистонда фуқаролик тузилмаларини янада мустаҳкамлашга ёрдам берадиган лойиҳаларни тақдим этамиз", деди канцлер.

Ташқи сиёсий фаолиятни ёритишга ихтисослаштирилган **"The Diplomat" журнали**да **(АҚШ)** "Ишончли шериклик: Германия — Ўзбекистон муносабатлари диққат марказида" сарлавҳали таҳлилий мақола эълон қилинди. Нашр бош муҳаррири Кэтрин Путцнинг ёзишича, Президент Шавкат Мирзиёев Германия билан муносабатларни янги ва юқори даражага кўтаришга интилмоқда. Қолаверса, икки томонлама савдо ҳажмини 700 миллиондан 1 миллиард еврога етказишни мақсад қилган. Нашрда канцлер Ангела Меркелнинг "Германия Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори бўлишни истайди", деган сўзлари келтирилиб, бунинг учун икки томонда ҳам катта салоҳият борлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германияга амалга оширган расмий ташрифи Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги яна бир дадил қадами, дея таърифланади нашрда.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 229 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 02.35 1 2 3 4 5 6